

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗДА КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИНИ ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРГАН ҲОЛДА ЯНАДА ЮМШАТИШ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИШЛАТИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ЮЗАСИДАН 13 МАЙ КУНИ ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.



# HUQUQ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 14-МАЙ, №19 (1216)



## ХАЛҚ ПРОКУРАТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 11 май куни бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўрсатмалари асосида прокуратура органларини коррупциядан холи, чинакам халқ прокуратурасига айлантириш, фаолият самарадорлигини тубдан ошириш борасида қатор чоралар кўрилган. Аввало, ҳалол, сadoқатли ва профессионал ходимлар корпусини шакллантиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Ҳисоботда тизимдаги вазиятни ўнгилашга, жамоада ишчан ва соғлом муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар концепцияси ишлаб чиқилиб, муайян ишлар қилинганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, тизимдаги ходимларнинг 45 фоизи ёш мутахассислар эканлиги, бироқ уларга иш ўргатадиган мураббийлар деярли қолма-

ганини ҳисобга олиб, сўнгги йилларда бой берилган устоз-шогирд аъёнлари тикланганлиги таъкидланди. Яъни, ўз хошишига кўра тизимдан бўшатишдан 40 нафар ходим хизматга қайтарилиб, узок йиллик тажриба ва малакага эга мураббийлар фаолият кўрсатишига эришилган. Тизимдаги ҳар бир тармоқ раҳбарлигига шу йўналишда тажрибали ходимлар тайинланган.

Шунингдек, Бош прокурор кадрларни танлаш ва тайинлаш жараёнидаги ўта марказлашганлик ҳамда субъектив омиллар бартараф қилингани, ҳар бир ходимни иқтидори ва масъулиятига мос равишда лавозимга тайинлаш механизми йўлга қўйилганлигини эътироф этди.

Тизимда замонвий ахборот технологияларини жорий қилган ҳолда бутун тизим тўлиқ электрон иш юритишга ўт-

казилиб, ортиқча қоғозбозликка барҳам берилган. Натижада ҳар ойда фақат қоғознинг ўзидан қарийб 300 млн. сўм тежалмоқда.

Бундан ташқари, ҳисоботда тизимни номуносиб ходимлардан тозалашга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Шу мақсадда коррупцияга мойил 100 нафар, жумладан 30 дан ортиқ раҳбар ходим тизимдан бўшатишган. Хизмат вазифаларини уддалай олмаган 282 нафар ходим, жумладан 119 нафар раҳбар эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Жиноятга қўл урган 15 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилган.

Бош прокурор қисқа вақт ичида тизимда қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилганини

айтиб ўтди. Хусусан, 50 га яқин назорат органи фаолияти устидан тизимли ва таъсирчан назорат ўрнатиш орқали қонунийликни мустақамлашга эътибор қаратилган. Назорат органларидан олинган ахборотлар асосида энг муаммоли соҳалар аниқланиб, қонун бузилиши ва тизимли камчиликларнинг асл сабабларини бартараф этиш чоралари кўриб борилган. Жумладан, олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги қонунийлик чуқур таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил натижалари парламент, Президент администрацияси ва ҳукумат аъзолари, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси таъминланмоқда.

Давоми 2-бетда

ҒАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАН...

## ҒИШТ ҚОЛИПДАН КЎЧДИ...

Бугун Фарғона шаҳри ўзгача қиёфа касб этиб бормоқда. Кўча ва йўллар кенгайтирилди. Экологияга салбий таъсир кўрсатадиган корхоналар шаҳар ташқарисига кўчирилди. Уларнинг ўрнида санъат саройи ва хиебон барпо этилди.

Қурилиш-ободонлаштириш ишлари давомида уйлари бузилган одамларга янги уйлاردан квартиралар, ер участкалари, қурилиш учун пул маблағлари берилди. Хусусан, шаҳарнинг Мустанкилик маҳалласидан ажратиб берилган ерларда фуқаролар янги уй қуриб яшашмоқда. Газетамизнинг 2019 йил 26 сентябрь кунги 39(1184)-сонида чоп этилган «Ёзувчилар кўпайиб кетди» мақоласида маҳалладаги, янги кўчалардаги фуқароларни қийнаётган коммунал-ин-

фрагузилма муаммолари қаторида умумтаълим мактабига эхтиёж тилга олинган, 2019 йил дастурига киритилган мактаб қурилмаётган баён этилган. Шаҳар ҳокимининг сайёр қабулида ушбу масала кўтарилиб, тегишли ташкилотларнинг вакиллари маҳалла жонқуяри С.Ғаниев ва оксоқоллар билан бирга мактаб қурилиши учун бўш турган ерларни бориб кўришди. Ўз ҳулосаларини беришди. Қурилиш 2020 йил дастурига киритилди.



Давоми 5-бетда



2020 йил 13 май  
соат 21:00 ҳолатига



Касалланганлар  
2596 нафар



Соғайганлар  
2076 нафар



Вафот этганлар  
11 нафар



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хисоботда ижтимоий соҳада прокурор назоратини таъминлаш баробарида фуқароларга ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият берилган таъкидланди. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда ёрдамга муҳтож 167 мингдан зиёд фуқаронинг муаммолари ҳал этилган. 3500 кишининг 7 млрд. сўмдан ортиқ иш ҳақи, пенсия ва нафақа пуллари ундириб берилган.

Шу билан бирга, йиғилишда ижтимоий тўловларни амалга оширишда ҳам турли суниестемолчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилгани таъкидланди. Бюджет муассасаларида ҳомилдорлик ва туғиш нафакалари тўланиши ўрганилганда 1275 та муассасада ушбу мақсадда ажратилган 3 млрд. сўмдан ортиқ пул талон-торож қилинган аниқланиб, етказилган зарарни ундириш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш чоралари кўрилган.

Ёшлар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам прокуратура органларининг алоҳида эътиборида эканлиги таъкидлаб ўтилди. Мисол учун, етим ва ота-она қаровисиз қолган 3 мингдан зиёд бола учун жавобгар шахс йўқлиги аниқланиб, уларга вазий ва ҳомийлар тайинланиши таъминланган.

Ғайриижтимоий ҳаракат содир қилган 5 мингдан ортиқ мактабга сабабсиз бормаётган 4 мингдан зиёд бола аниқланиб, мажбуриятини бажармаётган 10 мингга яқин ота-онанинг жавобгарлиги ҳал этилган. Бош прокуратура томонидан ота-оналарнинг жавобгарлигини кучайтириш, ўқитувчига нисбатан содир этилган ноқонуний ҳаракат учун алоҳида жавобгарликни белгилашга оид қонун лойиҳаси парламентга тақдим этилган.

Хисоботда иқтисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат жараёнида тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш каби ҳаётини муҳим масалаларга устувор аҳамият бериб келинаётгани эътироф этилди. Бу борадаги назорат тадбирларида 7500 та тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган, 16 минг нафарига муаммоларини бартараф этишда кўмаклашилган. Прокурорлар кўмағида 15 500 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, ишламай турган 12 000 га яқин қорхонанинг фаолияти тикланган. Инвестиция дастурлари доирасида 153 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишига ёрдам берилган.

Прокурорларнинг ташаббуси билан 600 та субъект экспортга жалб этилган. 785 та экспортчи қорхонанинг лицензия, кредит, ер ва бино олиш ҳамда бошқа масалаларга доир муаммоси ҳал этилиб, 215 тасининг 39 млн. долларлик қарзи ундириб берилган. Тадбиркорларнинг ҳуқуқини бузган 516 нафар мансабдор интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, 344 та жиноят иши кўзатирилган. Инвестиция дастурига киритилган 1379 та қурилиш лойиҳаси қайта экспертиза-

дан ўтказилиб, 1,5 трлн. сўм бюджет маблағи иқтисод қилиниши таъминланган.

Қурилишга ажратилган бюджет маблағидан тўғри фойдаланилиши бўйича ўтказилган назорат тадбирларида 75 млрд. сўм талон-торож қилинган аниқланиб, 300 нафардан ортиқ айбдор шахс жазога тортилгани келтирилди.

Бош прокурор ўз хисоботида тизимли камчиликларни бартараф этиш ҳақида Президент администрацияси ва ҳукуматта 120 дан зиёд тақлиф киритилиб,

улар қабул қилинган қонун ҳужжатларида ўз аксини тошганлигини қайд этди.

Прокуратура органлари қон салаликларини даволаш тизимини ўрганганда бундай ҳасталикка чалинганлар сўнгги тўрт йилда 10 фоиз ортиб, шифокор штатлари ва бемор ўринлари кўпайтирилмагани, туманларда гематолог штати йўқлиги аниқланган. Қолаверса, бундай беморлар учун бепул даволаниш имконияти чеклангани, дори-дармонлар билан таъминлаш даражаси пастлиги оқибатида ба касалликлардан тузалиш 40-50 фоизга тушиб қолгани маълум бўлди. Бош прокуратуранинг ушбу тизимли камчиликларни бартараф этишга қаратилган тақлифлари Президентимизнинг гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантиришга доир қарориди ўз ифодасини топди.

Шунингдек, жойлардаги прокурорлар нафақат қонун ҳимоячиси, балки сектор раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият олиб бораётгани таъкидланиб, уйма-уй юриш асосида 1,5 млн.дан зиёд хонадондаги муаммолар ҳал қилингани қайд этилди. Қарийб 58 минг киши иш билан таъминланган.

Хусусан, Бош прокуратурага бириктирилган Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон ва Бекобод туманларидаги қатор ижтимоий муаммолар ҳам ўз ечимини топган. Биргина Оҳангарон туманида 9 та янги боғча, 3 та мактаб ва 3 та тиббиёт муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилган. Уйга муҳтожларга қарийб 1 млрд. сўм бошланғич бадал тўланиши таъминланган. Йиллар давомида эътиборсиз қолган Эйвалек маҳалласида абгор аҳволдаги 18 та кўп қаватли уй тўлиқ таъмирланган. Худудда истироҳат боғи, стадион ва болалар ўйингоҳи, замонавий савдо мажмуаси барпо этилган.

Мўйноқ туманида эса бевосита прокуратуранинг сайё-ҳаракати билан замонавий ўқув маркази, кутубхона, ҳаммом, автостанция, кишлоқ врачлик пункти қурилди, ёлғиз яшовчи ўндан зиёд кишига алоҳида уй берилгани қайд этилди.

Сенатдаги хисоботда кишлоқ ҳўжа-лиги соҳасида қонунлар ижроси устидан назорат прокуратура фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканли-

ги таъкидланди. Назорат тадбирларида 22 млрд. сўмлик дон, 63 млрд. сўмлик пахта, 3 млрд. сўмлик минерал ўғит, ирригация тадбирлари учун ажратилган 1,7 млрд. сўмлик бюджет маблағи талон-торож қилинган аниқланиб, қонуний чоралар кўрилган.

Бош прокурор ўз хисоботида ердан фойдаланиш соҳасида турли суниестемолчиликлар ажас олганига ҳам тўхталди. Хусусан, сўнгги икки йилда 3244 та ҳолатда 56 минг гектар ер ҳокимликлар томонидан ноқонуний ажратилган. Ер сотиш, талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан 543 киши жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 295 нафари мансабдор, хусусан 119 таси кадастр, 23 таси ҳокимлик, 14 нафари архитектура ва қурилиш бўлимлари маъсуллари, шунингдек, 76 таси фермер, 26 нафари маҳалла раисидир. Юзага келган бундай вазият инобатга олиниб, ўтган йил декабрь ойидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда ерлар хатловдан ўтказилган. Хатловда 36 минг гектар ер ноқонуний ажратилгани, 10 минг гектар ер ўзбошимчилик билан эғаллаб олингани, 4 минг гектарда ноқонуний қурилишлар қилингани аниқланган. Ноқонуний қурилган 27 мингдан ортиқ объект бузди-

рилди, қарийб 10 минг гектар ер давлат захирасига қайтарилган. Ҳокимларнинг 36 минг гектар ерин ажратиш тўғрисидаги қонунга зид қарорлари бекор қилинган. Ердан фойдаланиш аҳволи тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, парламент, Президент администрацияси ва ҳукумат аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида танқидий муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиллаб олинган.

Йиғилишдаги хисоботда прокуратура фаолиятида асосий ўрин тутган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги вазифалар ижросини таъминлашда назорат кескин қучайтирилганлиги таъкидланди.

Хусусан, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қонуний ҳал қилиш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Натижада ноқонуний қарор қабул қилиш ва қайд этмаслик орқали ҳисобдан яширилганлик ҳолатлари прокурорлар томонидан аниқланганда, жиноятлар сони 3 баравар кўпайиб, 3180 тани ташкил қилган. Жиноятларни қайд этмаган ички ишлар идораларининг 25 нафар ходимига нисбатан жиноят иши кўзгатирилиб, 21 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Прокуратура органларида фуқароларнинг бедарак йўқолгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилиш устидан ҳам назорат қучайтирилган. Натижада фуқаронинг бедарак йўқолгани бўйича 2019 йилнинг 1-ярмида бор-йўғи 7 та жиноят иши кўзгатирилган бўлса, сўнгги 6 ойда бу кўрсаткич деярли 8 баробар ортиб, 54 тани ташкил этган. Ҳозирга қалар уларнинг 5 таси бўйича қотиллик жиноятии фош этилган.

Жиноятларнинг фош этилиши устидан назорат янада қучайтирилиб, ҳуқуқ-тартибот органлари сайё-ҳаракати билан 15265 та жиноят аниқланган. Амалга оширилган барча ишлар натижа-сида жиноятлар салмоғи 2018 йилдаги 33,5 фоиздан 2019 йилда 6 фоизга кескин қамайган.

Тезкор-қидирув ишларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 500 дан ортиқ кўрсатма берилган, қиди-

рувдаги 261 нафар айбланувчига нисбатан қўлланган эҳтиёт чораси қамқоққа ўзгартирилган. Натижада қидирувдаги 2008 киши ушланган.

Бош прокурор хисоботида яна бир муаммоли масала, яъни, маҳалла ва оилаларда осейишгаликни таъминлаш, низоларни бартараф этишга эътибор қаратди. Чунки шу каби камчиликлар оқибатида 51 та туман ва шаҳарда қотиллик жинояти кўпайган. Содир этилган 361 та қотилликнинг 182 таси ёки ярмидан кўпи қариндош-уруғлар ёхуд кўни-қўш-нилар ўртасидаги низо оқибатида содир этилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги бу каби камчиликлар Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг республика мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишида танқидий кўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланганлиги таъкидланди.

Хисоботда келтириб ўтилган яна бир муҳим йўналиш прокурорларнинг судлардаги иштироки билан боғлиқ бўлди. Хусусан, судларда қарийб 126 мингта иш кўрилишида прокурор иштироки таъминланган. Бекор қилинган суд қарорларининг 4900 таси ёки ҳар учинчиси айнан прокурор протести асосида

қонунга мувофиқлаштирилган. Прокурорлар ташаббуси билан 115 кишига оқлов ҳужми чиқарилган. Суд амалиётидаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Олий суд пленумининг 77 та қарорига прокуратура томонидан берилган тақлифлар қабул қилинган.

Таъкидланишича, прокуратура органларида келиб тушган 495 мингта яқин муурожаатнинг 313 мингдан ортиғи бевосита прокуратура органларида ечим топган. Қарийб 324 минг фуқаро қабул қилиниб, муурожаатлари ҳал этилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги департамент томонидан яширин иқтисодиётга чек қўйиш, бюджет маблағлари талон-торож қилинишининг олдини олиш чоралари кўрилган. Натижада 3600 га яқин маъмурий ҳуқуқбузарлик ва 3500 дан зиёд жиноят фош этилган. Хусусан, солиқдан бўйин товлаш билан боғлиқ 277 та жиноят аниқланиб, бюджетга 563 млрд. сўм қўшимча солиқ ундирилган.

Мажбурий ижро бюроси органларининг сайё-ҳаракатлари билан фойдаланилган энергия ресурслари учун 2018 йилга нисбатан қарийб 9 трлн. сўм ёки 32 фоиз кўп маблағ ундирилиб, бу кўрсаткич 37 трлн. сўмин ташкил қилган. Табиий газдан фойдаланишда талон-торожликлар аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 33 млрд. сўм ундирилган. Қарийб 2 млн.та ижро ҳужжати бўйича давлатга 7,3 трлн. сўм ундирилган.

Хисоботда Бош прокуратура ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида 36 та қонун ҳужжати, жумладан 9 та қонун, Президентнинг 4 та фармони ва 6 та қарори, ҳукуматнинг 12 та қарор ва фармойиши, шунингдек 5 илдора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани эътироф этилди.

Мажлисда прокуратура органлари мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолияти самарадорлигини янада ошириши лозимлиги таъкидланди.

**Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими**

# МУҚАДДАС ҚҮРҒОН

Оила – ватан ичидаги кичик ватан, муқаддас қўрғон. Эртанги кун эгалари камол топадиган буюк мактаб. У ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигининг рамзи бўлиши билан бирга, урф-одатларимизни сақлайдиган муқаддас даргоҳ ҳамдир.



Оилада ота-она фарзандларига миллий ва умуминсоний қадриятларни синдириш билан уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди. Шу тариқа жамиятнинг иқтисодий, маданияти ва маърифатини белгилашга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шарқда оила қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланган. Хусусан, ўзбек оилаларининг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари ҳозир ҳам сақланиб турибди. Оилаларда муайян турмуш тарзи шаклланиб, фарзандлар ҳаётини тажриба орттириб боради, тежамли ва саришга рўзгор тутишни ўрганади. Ўғил-қизларнинг маънавий етук бўлиб камол топишларида кексалар ва ота-онанинг роли катта.

Мамлакатимиз ҳукумати оила масалаларига устувор вазифа сифатида қарайди. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, оила мустақамлигини таъминлаш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Конституциямизнинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, у жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган. Шу асосда Оила кодекси ва бошқа қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинган.

Инсон ҳаёти маълум бир мезонлар асосида тартибга солинади. Эр-хотин бўлиб яшашнинг ҳам алоҳида қонунқоидалари борки, турмуш аввалида уларни яхши англаб олиш керак. Жамиятдаги барча кўнгилсизликлар оилавий метёрларнинг бузилишидан келиб чиқади. Халқимизда қадимдан қизнинг турмушидан ажралиб ота уйига қайтиб

келиши ўша оила учун катта иснод саналган. Шу боис ҳар қандай аёл аввало сабр-матонати, «йўқни йўндирди олиши» билан оила ришталарини сақлаб турса, эркак номуси, ори билан муқаддас қўрғонни ҳимоя қилган. Қонунларимиз ва динимиз аҳкомларида эса ҳар бир оилавий келишмовчиликни энг аввало тинч йўл билан ҳал этиш белгиланган.

Оила масаласи, қадриятлари барча тинчликсевар ва адолатпарвар инсонларнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Шу боис 1989 йилдан бошлаб олимлар ва мутахассислар оила устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир оила ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш анъаналарига эга ижтимоий институт бўлиб, буюк ёзувчи Лев Толстой таъкидлаганидек, бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг ҳар бири алоҳида бахтсиздир. Лекин олимлар айнан бахтсиз оилаларга эътибор қаратадики, бундан мақсад жамиятда ана шундай оилаларнинг бўлмаслигини таъминлашдир.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида оила энг долзарб масала сифатида жаҳон ҳамжамияти томонида эътироф этилди ва БМТ 1994 йили Халқаро оила йили деб эълон қилди. Шундан буён 15 май ҳар йили юртимизда ҳам Халқаро оила куни сифатида нишонлаб келинади.

Ўзбек оиласи миллий, диний қарашлар ва қонунийлигимиз орқали тартибга солинувчи ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, шуниси билан халқаро никоҳ муносабатларидан фарқ қилади. Оиланинг мустақам қўрғон эканлиги, уйдаги

гапни кўчага олиб чиқиш ноқоишлиги, бахтнинг тамал тоши оилавий тарбия воситасида қўйилиши, катталарга хурматда, кичикларга иззатда бўлиш, никоҳнинг муқаддаслиги, оилавий ноаҳилик бахтсизлик келтириши, отанинг кўзига, онанинг юзига тик қараш гуноҳлиги сингари энг муҳим ҳаётини тушунчалар фарзандлар онгига ёшлигидан ўз уйда синдирилади.

Ўзбеклар – болажон халқ. Оилада гўдак туғилса, байрам бўлиб кетади. Фарзанд дунёга келдики, илгари эр-хотин ўртасига совуқчилик тушиб юрган бўлса-да, энди фарзанди тақдирини кўпроқ ўйлай бошлашади. Чунки фарзанд нафақат келажакнинг эгаси ва ҳаётнинг давомчиси, балки кексайиб, қучдан қолган ота-онанинг ғамхўри ва таянчи ҳамдир.

Оилага дарз кетиши фарзандларнинг келажакка салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис бизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ҳамда қонунларимизда тўлиқ қафолатланган. Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддасида эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолияти рағбатлантирилиши белгилаб қўйилган.

Оиланинг барқарор ва тўқислиги унинг моддий таъминоти билан бирга ижтимоий ҳаётда тугган ўрни, унда

улғаяётган фарзандларнинг камоли ва жамиятга қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади. Оиладаги аҳиллик, ота-онанинг бир-бирини тушуниши фарзандлар камоли учун жуда муҳим. Чунки бола калбига ҳеч нарса ибратдек кучли таъсир этмайди. Тарбиянинг буюк кучи шундан иборатки, у характердаги ҳар хил жиҳатларни, ҳагто нуқсонларни ҳам эзгуликка йўналтиради.

Оналар оиланинг таянчи ва болаларни тарбияловчи шахс бўлса, оталар оиланинг устуни, фарзандларнинг суянган тоғи. Оилада, фарзандлар олдида оталикнинг ўзига яраша юки, масъулияти бор. Чақалоқ дунёга келгач, уч кун ичида отасини, чилласининг ичида эса онасини таниб олар экан. Бу таърифнинг илмий жиҳатдан нечоғли асослиги тўғрисида баҳслашиб ўтирмақчи эмасмиз. Нафақат норасида гўдаклар, балки ёши бир жойга бориб қолган кишиларнинг ҳам ота-онаси томон талпиниши, уларни бебаҳо давлатим деб билиши одамзоғ учун волидан муҳтарам ва падари бузруквор ўрнини босувчи суянч, иссиқ бағир ҳеч жойда йўқлигини исботлаб турибди.

Азалдан оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, оиланинг мустақамлигини таъминлаш давлатимиз олдида турган устувор вазифалардан биридир. Чунки ҳар бир оила рамзий маънода давлат ичидаги давлатдир. Унинг ҳам ўз бюджет, режалари, ички ва ташқи алоқалари бор. Ички низо ва ташқи таъсирлар оқибатида оиланинг бузилиши атрофдаги кишиларга, ҳагто жамиятга ҳам ташвиш келтиради. Негаки, минглаб оилаларнинг бирлашуви асосида ташкил топган жамият бундан зарар кўради. Ҳар қандай жамият ва давлат учун оилалар тинчлиги, фаровонлиги, гуллаб-яшнаши энг муҳим омил. Оила – давлатнинг асоси деган гап шунга ишора. Шундай экан, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик оилаларнинг мустақамлигини таъминлаш борасида ниманки қилиш керак бўлса, ҳаммасини амалга ошириши, бунга биринчи даражада вазифа деб қарамоғи лозим.

Эр-хотиннинг бир-бирини ҳурматлаши, оғирини энгил қилиши натижасида ўзаро қадр-қиммат ортади, оила мустақам, фарзандлар тарбияли бўлади. Мишел Монтен «Ҳаётнинг ўлчови умр узунлигидан эмас, сиз ундан қандай фойдалана олишингиздир» деган эди. Оқил ва тарбияли ота-она ҳаётнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдалана олади. Умр азиз, уни пок йўлга сарф қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Оила қўрғонининг пойдевори ишонч, устувлари меҳр-муҳаббат, деворлари садоқат, дарвозаси ор-номусдан тиклангандагина мустақам бўлади ва ўқинчи шамолу бўронлар таъсирида бузилиб кетмайди.

Эркабай ТАДЖИЕВ,  
Қашқадарь вилояти прокурори

# КОРРУПЦИЯ

## ИҚТИСОДИЁТ ВА МАЪНАВИЯТНИ ИЗДАН ЧИҚАРАДИ

Мамлакатимиздаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳисобланади.

**К**оррупция энг аввало жамиятнинг маънавий асосларига путур етказди, давлат ҳокимиятини халқ олдига обрўсизлантиради. Ёшларнинг онгини заҳарлайди, ҳаёт қаллоблигу гирромликдан иборат экан деган фикрни вужудга келтиради (болалар боғчасида «боғча опа»га совга-салом, мактабда ўқитувчиларга, олий ўқув юртида яна пул... Боланинг кўз ўнгиди... Ёки айнан унинг кўли билан...).

Халқаро ҳамжамиятда давлат тўғрисида салбий тасавури юзага келтиради, уюшган жиноятчиликнинг давлат хизматига кириб боришига олиб келади. Амалдорларнинг аралашуви туфайли одил судлов тизими издан чиқади. Энг аянчлиси, демократик кадрлар қарор топиб бораётган шароитда амалдорларнинг мансабини суниестемол қилиши ҳокимиятнинг обрўига путур етказди.

Шунингдек, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларини сусайтиради, иқтисодийнинг ривожланиши ва мустақамланишига салбий таъсир кўрсатади. Чунки коррупцияга ботган давлатга ҳеч ким қарз бермайди, инвестиция кiritмайди.

Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг моддий белгиси бўлса, унинг формал белгиси ҳуқуққа хилофлигидир.

Маълумки, порахўрликка қарши кураш асосан порахўрлик жиноятини аниқлашга йўналтирилган бўлиб, аҳоли ўртасида бу иллатнинг олдини олишга ҳар доим ҳам эътибор берилмавермайди. Ҳолбуки, бундай турдаги жиноятларнинг аксарияти одамлар давлат хизматчиларини пора олишга ундаши орқали

содир этилиши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам Президентимиз Олий Мажлисга қилган мурожаатида бу иллатга бежиз алоҳида тўхталмади: «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таянч жон бўлса, «ҳалоллик ваққинаси» билан элланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаимиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак».

2020 йилнинг биринчи чорагида мамлакатда 87 та жиноят иши бўйича 115 нафар амалдор жинойий жавобгарликка тортилган. Жинояти фош этилган мансабдорларнинг 4 нафари вилоят ва 111 нафари туман ва шаҳар миқёсидаги идора ва ташкилотларда фаолият юритган.

Жиноий жавобгарликка тортилган амалдорларнинг 50 нафари ўзганинг мулкни ўзлаштириш ва талон-ғорож қилиш, 21 нафари пора олиш (бериш) ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш, 7 нафари фирибгарлик, 6 нафари мансаб сохтакорлиги, 3 нафари мансабга совуққонлик билан қараш, 1 нафари мансаб мавқеини суниестемол қилиш ва 27 нафари бошқа жиноятларни содир этган.

Уш, оқибати билан қизиқаясизми? Амалдорларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамиятга 51,1 млрд сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Ушбу иллатга қарши курашишни жаҳон талаблари асосида ташкил этиш мақсадида 2008 йилда мамлакатимизда «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-

нинг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2-бандига кўра конвенциянинг 42-моддаси 1 ва 3-бандлари бўйича 15-, 19-, 21-, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қилмишлар миқий қонунчиликка мувофиқ жинойий жазоланадиган қилмиш эканлиги ва уларга нисбатан Ўзбекистоннинг юрисдикцияси таъбиқ этилиши баён қилинган.

Шарк ва Фарб давлатларининг коррупцияга қарши курашиш услуби ўзига хос. Мутахассисларнинг кузатувлари Фарб давлатлари орасида Финляндия коррупцияга қарши курашиш бўйича дунёда етакчи эканини кўрсатади. Шу каби юқори кўрсаткич Шарк давлатлари ўртасида Сингапурда мавжуд.

Финляндияда аҳолининг бу иллатга қарши курашишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамжиҳатлиги самара бериши кузатилади.

Таассуфки, бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг қўшлаб давлатлари дуч келмоқда. Аммо бу коррупция даражаси ҳамма ерда бир хил дегани эмас. Коррупциянинг сабаби турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш деярли мумкин эмас.

Шунга қарамай, хорижий давлатларнинг бир қанчасида, жумладан, АҚШ, Канада, Франция ва Нидерландияда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Маълумки, коррупция хорижий

ва миллий инвестиция кўламига салбий таъсир кўрсатади. Чунки коррупция ишлаб чиқариш харажатларининг асосси кўпайишига сабаб бўлади. Ушбу иллатга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар энг аввало қайси соҳаларда коррупцияга тўқнаш келишлари мумкинлиги тўғрисида маълумотга эга бўлишлари лозим. Бу юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминлаш билан бирга, коррупция ҳолатларига барҳам беришга хизмат қилади.

Прокуратура органлари ходимлари аҳоли ва тадбиркорлар билан ўтказиётган мулоқотларда Жиноят кодексига киритилган янгиликларни тарғиб этиб келмоқда. Шунингдек, аҳоли орасидаги «пора бериш жиноят эмас» деган тушунчанинг нотўғрилиги, агар пора берган киши 30 сутка ичида бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмаган тақдирда, унинг ўзи ҳам жинойий жавобгарликка тортилиши тўғрисида батафсил тушунча берилмоқда. Шу йўналишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва порахўрликка қарши курашни аҳоли ўртасида кенгроқ тарғиб этиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки барча фуқароларимиз ҳам биланлашган ҳолда ҳаракат қилса, кўзланган самарага эришамиз. Зеро, коррупциянинг жамиятга етказиётган зарари ниҳоятда катта бўлиб, унга қарши кураш катта куч, улкан матонат талаб қилади.

**Нодирбек БОЙТЕМИРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи



**Хотира ва қадрлаш қуни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан ўзбек халқининг жанг майдонларидаги, фронт ортидаги қаҳрамонлигини, фидокорона меҳнатини мамлакатимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигига етказиш ва абадийлаштириш мақсадида қаҳрамонлик кўрсатган юртдошларимиз ҳақида янги бадий ва ҳужжатли асарлар ишланмоқда.**

## ЖАНГГОҲЛАРДАН ОМОН ҚАЙТГАНЛАР

**Б**у жараёнида яна бир хайрли ишга қўл урилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси харбий прокуратурининг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва ҳозир ҳаёт бўлган навоийлик ветеранлар ҳақида «Жанггоҳлардан омон қайтганлар» номли китоб яратилди.

Унда урушда қатнашган ва айни дамда Навоий вилоятида яшаётган ветеранларнинг ҳаёт йўли, қаҳрамонликлари ва жасорати асар муаллифи Худойберди Наврўз томонидан ишончли манбалар, архив ҳужжатлари ҳамда турли йилларда матбуотда ёритилган маълумотлар асосида қизиқарли ва моҳирона тасвирланган.

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида чоп этилган мазкур китоб тақдмоти Хотира ва қадрлаш қуни арафасида вилоят Ёшлар маркази бина-

сида бўлиб ўтди. Тадбирдан сўнг вилоят ҳокими Қобилжон Турсунов бошчилигида Навоий харбий прокуратураси ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари Навбахор туманида истиқомат қилаётган Ҳайдар Хасановнинг хонадонига бориб, бобони байрам билан кутлашди. У кишига Президентимиз совғаси, ҳокимлик ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотларнинг туҳфалари ва мазкур китоб топширилди.

Асар Иккинчи жаҳон урушида қатнашган навоийлик жангчи боболаримиз учун ўзига хос совга бўлди.

Китобни ўзининг қаҳрамонларига ва китобхоналарга етказиш ишлари давом этмоқда.

**Қаҳрамон ИСРОИЛОВ,**  
Навоий харбий прокуратури

# ҚАТЪИЯТ БИЛАН ЕНГАМИЗ

Бугунги кунда инсониятни ташвишга солиб турган коронавирус инфекцияси халқимиздан бирдамликни, ҳамжиҳат ҳаракат қилишни талаб қилмоқда. Прокуратура органлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, озиқ-овқат етказиб беришнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда карантин қоидаларига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатган.

Аҳолига қулайлик яратиш учун 97104 та кўча ярмарка ташкил этилиб, жами 100 360 тонна озиқ-овқат, 2,7 млн. дона кўчат, 514 млн. сўмлик уруғ, 3,6 млрд. сўмлик кийим-кечак ва 1,1 млрд. сўмлик хўжалик моллари арзон нархларда сотилди.

Нарх-навонинг асосиз ошиб кетиши ва ажиотаж талабнинг олдини олиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тўғридан-тўғри шартномалар асосида ун етказиб беришга оид вақтинчалик тартиби ижроси назоратта олиниб, 17 апрель – 11 май кушлари 101 минг тонна ун, шундан 32 минг тоннаси қолили нон, қандолат ва макарон ишлаб чиқарувчиларга, 69 минг тоннаси аҳолига сотиш учун савдо корхоналарига етказиб берилиши таъминланган.

Уни тўғридан-тўғри сотиб олувчилар рўйхати тўғри тузилгани ҳамда аҳолига белгиланган нархда сотилиши ўрганилди. Жумладан, 99 та ҳолатда 350,5 тонна ун тасдиқланган тартибга зид равишда ажратилгани ва қиммат сотилгани, 2 та молиявий фирибгарлик аниқланган.

2020 йил 17 мартдан 12 майга қадар 1452 та ҳолатда жами 3,3 млрд. сўмликдан ортик маҳсулотлар қиммат нархда сотилаётгани аниқланиб, ушбу товарлар олиб қўйилган ва аҳолига арзон нархларда сотилган. 1319 кишига маъмурий баённома

расмийлаштирилган ҳамда 2 та пора олиш ва 4 та нархни асосиз ошириш жинояти фош этилиб, қатъий чоралар кўрилган.

Аҳоли орасида асосиз ваҳима тарқатиш бўйича 5 та жиноят иши ва 11 та маъмурий иш кўзгатирилган.

Шунингдек, 12 майгача карантин қоидаларига риоя этмаслик юзасидан 18 та жиноят иши (шундан 7 таси ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш бўйича) ва 146 652 та маъмурий иш кўзгатирилган (шундан 139 950 таси никоҳ тақмаслик, 457 таси карантин қоидабини бузиш, 281 таси савдо фаолиятини давом эттириш, 38 таси маросим ва йнғин ўтказиш бўйича). Масалан, Жиззах шаҳрида яшовчи М.Ш. карантин қоидаларига риоя этмаган ҳолда ўзининг «Нексия» автомашинасини бошқариб келиб, ИИБ ЙХХБ ходими А.Б.нинг қонуний талабига бўйсунмасдан, унга жароҳат етказган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатирилган.

Махсус гуруҳлар ўтказган рейдлар давомида 59540 ҳолатда карантин қоидалари бузилгани аниқланиб, транспорт ҳайдовчиларига нисбатан маъмурий чоралар кўрилган, 17 ҳолат бўйича жиноят иши кўзгатирилган.

**Азизбек САМАДОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ГАЗЕТАДА ЧОП ЭТИЛГАН...

## ҒИШТ ҚОЛИПДАН КЎЧДИ...

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Жорий йилнинг 30 март кунини Ёруғлик кўчасидаги собиқ Давлат таъминоти корхонаси ортидаги бўш турган ерда «Фаргона лойиҳа қурилиш-таъмирлаш» МЧЖ томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида 260 ўқувчи тахсил оладиган икки қаватли мактаб қурилиши бошланди. Фаргона шаҳридаги «296-ХИКМК» МЧЖнинг қурувчилари астойдил ишга киришишди. Пандемия хуружидан асраниш талабларига амал қилинган ҳолда қурувчиларга ажратилган ётоқхона (қурилиш ёнидаги фойдаланилмай турган эски бино) дезинфекция қилинапти. Эргалаб тана харорати ўлчанмоқда. Уч маҳал овқатланишапти. МЧЖнинг қатнаб ишлаётган раҳбар ва муҳандисларнинг автомобилларига стикер (рухсатнома) берилган. Юк машиналарида цемент, арматура ва бошқа қурилиш материаллари узлуксиз етказиб берилаётипти.

– Мактабда синфхоналар, фан лабораториялари, спорт зали каторида қозонхона, кўмир омбори, ёнган хавфсизлиги ҳовузи қурилади, – дейди **иш юритувчи Убайдуллоҳон Ҳақимов**. – Баскетбол, вoleyбол, футбол майдонлари барпо қилинади. Кираверинида дарвозахона қурилади.

– Қурилишда иккита бетон қуювчи, битта ғишт терувчи бригада ишлаётипти, – дейди **муҳандис Шухратжон Раҳматуллаев**. – Мактаб биноси, спорт зали пойдеворининг бетондан остки қисми тўлиқ қўйиб бўлинди. Учта блокда пойдевор ҳам қўйилиб, ғишт терувчилар ишга киришмоқда.

Мактабни ноябрь ойида қуриб битказиш режалаштирилган.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**  
«Ният»



Республикада белгиланган ҳудудлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турини етиштиришга ихтисослаштирилади.

## ЎТКИНЧИ ДАМДА ФУРСАТ КЕТМАСИН

Айни синовли кунларда Юқоричирчиқ туманида яшовчи ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олишда прокуратура ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, ҳудудий гуруҳ ҳамда туман прокуратураси томонидан озиқ-овқатлар, дори ва тиббий буюмлар нархнини асосиз ошириш ва сунъий танқислигини юзага келтиришнинг олдини олиш юзасидан қатъий чоралар кўриб борилмоқда. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бозор ёки савдо нукталаридан узок ҳудудда жойлашган маҳаллаларда мунтазам равишда кўчма савдо нукталари ташкил қилинмоқда.

Жумладан, департаментнинг туман бўлими билан ҳамкорликда прокурор секторидидаги 10 та маҳаллада арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркалари ташкил этилди. Бундан ташқари, Чумчуқсар ва Қорасув маҳаллаларида аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқатлар билан мунтазам таъминлаш мақсадида «Даладан дастурхонга» шиори остида турган савдо ярмаркаси фаолияти йўлга қўйилди.

Яширишга ҳожат йўқ, камбағал, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, ёлғиз оналар учун карантин каттик синовга айланди. Улар оғир аҳволда қолди. Шу боис карантин бошидан сектор ҳудудидаги 2100 та эҳтиёжман, камбағал ва ёлғиз яшовчи фуқарога қундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқатлар, тиббий ҳамда шахсий гигиена воситалари етказиб берилди. Шунингдек, 10 та камбағал оилага 10 та қорамол тарқатилди.

Афсуски, сайёраимиз аҳолининг саломатлигига жиддий хавф солаётган короновирус балосининг оқибатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамастан айрим фуқаролар карантин талабларини менсимаяпти. Масалан, тадбирлар давомида никоҳсиз, бемақсад юрган 554 нафар фуқарога нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Шу билан бирга, бугунги синовли кунларда бир қарич бўлса-да томоқкаси бор инсон фурсатни қўлдан бермай экин экинчи муҳимлигини тушунтири олишимиз керак. Шу мақсадда сектор масъуллари томонидан ҳудудларда томоққоралардан қандай фойдаланилаётгани ўрганилди. Экин экинчи жадаллаштириш учун 30 мингдан зиёд кўчат аҳолига арзон нархларда етказилди.

Бугунги вазият биздан ота-боболаримизга хос донишмандлик, зийраклик ва ҳамжиҳатликни талаб этади. Унутмайлик, бу кунлар ўткинчи. Бундай давларда қилинган саховат, муҳтожларга берилган ёрдам офатни биргаликда енгишимизга сабаб бўлади. Тумани прокуратураси томонидан карантин даврида амалга оширилаётган ишлардан қўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида.

**Ғанишер АБДУСАЛОМОВ,**  
Юқоричирчиқ тумани прокурори

## СИНОВЛИ КУНЛАР САДОСИ

Дунё давлатлари ҳаётига таҳдид солган короновирус пандемиясининг юртимизга кириб келиши одатий турмуш тарзимизни ўзгартирмай қўймади. Аммо халқимиз тушқунликка тушмасдан, синовли кунлар бошланиши билан ушбу муаммога ақл билан ёндашди.

Шукурки, юртимиз тинчлиги, аҳолининг хавфсизлиги йўлида кўрилган чоралар натижасида бугунги кунга келиб пандемия хавфи чекина бошлади. Ўрнатилган чекловлар юмшатилиб, фуқаролар аста-секин одатий ҳаёт тарзига қайтмоқда.

Аммо бир нарсани тушунтириш керакки, бу юртимизда карантин муддати тугади дегани эмас. Шу боис аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш, нархларнинг асосиз равишда ошишига йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар давом этмоқда.

Афсуски, айрим қимсалар эл бошига тушган бугунгидек қийин вазиятдан ғарз мақсадда фойдаланишга уринмоқда. Масалан, департамент органлари ўтказган тадбирларнинг бирида Тахтақўпир туманида яшовчи Н.Абдиров тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, савдо-сотик билан шугулланиш учун ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмасдан туриб, Бухорода ишлаб чиқарилган урни аҳолига қиммат нархда сотаётгани аниқланди. Тезкор тадбир давомида Н.Абдировдан 120 млн. сўмлик ун ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, Амуларё туманида яшовчи М.Аширбеков ҳам тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, аҳолига ун сотиш билан шугулланиб

келган. Хусусан, у «Тахиятош дон маҳсулотлари» корхонасида ишлаб чиқарилган уннинг баҳосини анча оширган ва аҳолига 25 килолик ҳар қоп урни 115 минг сўмдан сотган. Тадбир давомида ҳуқуқбузарнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилиб, унинг уйдан сотишга тайёрлаб қўйилган 7 млн. 500 минг сўмлик бошқа озиқ-овқатлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Яна бир ҳолатда фуқаро П.Жаридқанова тадбиркорлик билан ёки тиббий буюмлар савдоси билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлмасдан, карантин талабларидан ғарз мақсадда фойдаланишни ният қилган. Яъни, у озиқ-овқат бозори ҳудудида М.К. исмли фуқарога уй шаронтида тайёрланган 500 та тиббий никоҳни 1 миллион сўмга сотган пайтида ушланди. Тадбир давомида ҳуқуқбузарнинг ёнида яна мингта яқин тиббий никоҳ борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Албатта, шу каби ҳуқуқбузарликлар белгиланган тартибда расмийлаштирилди ва суд томонидан жазо чоралари қўлланиши таъминланди.

**Бахтияр КАИПБЕРГЕНОВ,**  
Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи

# ҚОНУНГА ИТОАТ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА

## ЎҚИТИШ ВА ТАЪЛИМ ОЛИШ

Бундан икки йил аввал, 2018 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, унинг асосида Бош прокуратура академияси ташкил этилди.

Қисқа вақт ичида академия замонавий талабларга мос, прокуратура органлари олдига қўйилган вазифаларни самарали бажара оладиган кадрларни тайёрлаш салоҳиятига эга бўлди.

Академия ташкил топганидан ўқитишнинг эски, сийқаси чиққан шакл ва усуллари тубдан қайта кўриб чиқилиб, фан, таълим ва амалиётнинг алоқадорлигига асосланган инновацион таълим технологиялари жорий этилди.

Прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни қайта тайёрлаш модели ҳам қайта кўриб чиқилиб, бошқичма-бошқич замонавийлаштирилди.

Биринчи марта прокуратура органларининг хар бир ходими уч йилда камидан бир марта академияда ўқиниш шартлигини белгиловчи тартиб ўрнатилди.

Икки йил давомида академияда 10 мингдан ортиқ тингловчи таълим олди.

Академия томонидан ўқув режаси ва дастурларини тузишда Бош прокуратура тармоқлари ва куйин турувчи прокуратуралар билан алоқа механизмларидан фойдаланишнинг мажбурийлигини белгиловчи тартиб ўрнатилди.

Магистратурадаги ўқув жараёни кредит-модул тизими асосида ташкил этилиб, ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг фаолияти билан узвий боғлиқлигига асосланади.

Академиянинг ўқув жараёнига амалиётга асосланган ва компетенциявий ёндашув жорий этилиб, фаолиятнинг барча соҳалари рақамлаштирилиши замонавий ахборот-таълим муҳитида инновацион узвийликка ўтиш ҳамда электрон (масофавий) таълим механизмларини тўлиқ жорий этиш имконини берди.

2018 йил ноябрь ойида академияда асосий иш жойидан ажралмаган ёки қисман ажралган ҳолда таълим олишга мўлжалланган «Proacademy» ахборот-таълим портали ишга тушрилиб, унинг воситасида ўтган давр мобайнида 4717 нафар ходим ўқитилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши карантин чоралари жорий этилиши натижасида академияда барча йўналишлар бўйича таълим дастурлари тўлиқ масофавий таълим режимига ўтказилди.

Академия қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва



қилинган ҳолда тингловчиларга юридик инглиз тили чуқур ўқитилмоқда.

Академиянинг 15 мингта китобга эга бўлган Ахборот-ресурс маркази Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, илмий ресурсларнинг йирик агрегатори EBSCO publishing, E-library илмий электрон кутубхонаси, «Asian Journal of Comparative Law», «ProQuest» диссертация ва диплом ишлари базасига уланган бўлиб, академияга «Scopus», «Mendeley», «ScienceDirect» ва «Springer Nature» ахборот платформалари ва ресурсларидан фойдаланиш имконияти берилган.

Академияда уч мутахассислик бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Республикада биринчи бўлиб «12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.

ривожланиш вазирлигининг илмий-техник дастурлари доирасида 5 та илмий-тадқиқот лойиҳасини амалга оширишга жалб этилган.

Академия томонидан «Бош прокуратура академиясининг ахборотномаси» илмий-амалий журнали чоп этилиб, у юридик фанлар бўйича диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун ОАК томонидан тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Академиянинг Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази фаолияти алоҳида эътиборга молик бўлиб, бунда асосий йўналишлар сифатида тахлилий, илмий ва эксперт салоҳиятини юксалтириш, коррупцияга қарши кураш соҳасида кадрларни ўқитиш ва касбий тайёрлаш, шунингдек, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш кабилар белгиланган.

Шунингдек, академияда жиноятлар содир этилишининг сабаблари тизимли таҳлил қилинади ва ўрганилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилишни такомиллаштириш борасида илмий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида тизимли мониторинг жорий этилган.

Академия мутахассислари жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлар таркибида фаолият юритиб келмоқда.

Академия ходимларининг истикболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика талювида, «Эл-юрт умиди» жамғармасининг стипендияли танловиди ҳамда ИЕТ, ЛСА, Е4J, RGSJ ва бошқа халқаро танловлар ва дастурларда ғалабага эришгани уларнинг юқори салоҳиятга эга эканини кўрсатади.

Ўтган даврда академия юриспруденциянинг муҳим масалалари бўйича мутахассисларнинг мулоқот ва ҳамкорлик қилиши учун халқаро майдон яратиш ташаббуси билан чиқди. Конференция, семинар ва давра суҳбатлари ўтказишда халқаро даражадаги академик мобиллик ва билимлар трансферини таъминлаш майдончаси яратилди.

Қисқа муддат ичида академиянинг «Et docere et discere servitute legis» («Қонунга хизмат қилиш мақсадида ўқитиш ва таълим олиш») шиори ходимларнинг бош ғоясига айланиб улгурди.

**Евгений КОЛЕНКО,**  
Бош прокуратура Академияси бошлиғи



Мунтазам равишда сўровлар ўтказилиб, ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиладиган, ўзгариб боровчи ўқув эҳтиёжлари диагностика қилинмоқда, бу эса назария ва амалиётнинг алоқадорлигини таъминлаяпти.

Академиянинг олдига қўйилган асосий вазифалардан бири сифатида давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг бошқа масалалари бўйича малакасини оширишнинг белгиланиши алоҳида аҳамиятга эга янгилик бўлди.

2019/2020-ўқув йилидан бошлаб академияда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

тахлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкасини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида фаол ва самарали халқаро ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирга қадар 30 дан зиёд етакчи илмий ва таълим муассасаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди, 15 нафар хорижий мутахассис ўқув жараёнига жалб қилинди.

Талабалар алмашинуви дастурларини амалга ошириш бўйича эришилган келишувлар асосида академия магистратураси талабалари ҳозирги кунда етакчи хорижий таълим муассасаларида тахсил олаяпти.

Академияда она тили инглиз тили бўлган хорижий мутахассислар жалб

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура», шунингдек «12.00.12 – Коррупция муаммолари» мутахассисликлари бўйича илмий даражаларни берувчи илмий кенгашлар фаолияти айнан академияда ташкил қилингани муҳим аҳамият касб этади.

Академиянинг олий ўқув юртидан кейинги таълим институтида бутунги кунда 8 нафар докторант ва 24 нафар мустақил изланувчи илмий тадқиқот билан шугулланмоқда.

Академия профессорлари ва ўқитувчилари томонидан 150 дан ортиқ ўқув, услубий ва амалий қўлланмалар, монографиялар тайёрланди ва чоп этилди.

Академия жамоаси 12 та халқаро лойиҳани, шунингдек Инновацион

**Таълим муассасаларининг давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатларининг амал қилиш муддати жорий йилнинг 31 декабрига қадар узайтирилди.**



SUD O'CHERKI

# БИР КУНДА ФОШ ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ

Нақд пулни уйдан кўра банкда сақлаган маъқул экан. Ишончли, қолаверса кўпайиб туради. Зарур бўлганда банк нақд пулингизни беришни эртага, индинга дея пайсалга солган вақтлар ўтмишда қолди. Истаган пайт омонатдаги пулингизни банккоматдан ечиб олишингиз мумкин. Бундан-да ишончли нақдсиз ҳисоб-китоб урф бўлмоқда. Катта-кичик харидлар пластик карта орқали амалга ошириляпти. Чўнтакни қаппайтириб юрмайсиз, киссавур ҳамённи ўмаришидан, уйга ўғри тушишидан хавотир олмайсиз.

Суд мажлисида жабрланувчининг кўнглидан ана шу гаплар ўтган бўлса ажаб эмас. Ўзингдан чиққан бало деганларидай ўғрибоши яқин қариндоши бўлиб чиқди.

Қиш кунни эди. Кечки пайт соат олти яримларда ўртоқлари билан гапга (оғайнилари жам бўладиган зиёфатга) чиқиб кетди. Соат ўнларда уйга қайтди. Дарвозани ичкаридан қулфлади. Ховлидагидан бошқа ҳамма чирокларни ўчириб ётоқхонасига кирди. Гапда йиғиб беришган бир миллион сўмдан зиёдроқ пулни ёстигининг остига қўйди. Рафикаси болалари билан ётган хонага кириб, кўрпачага чўзилди.

Тун ярмидан оққанда, соат иккиларда уйғониб ташқарига чиқди. Икки кишининг гўнғир-гўнғири қулоғига чалинди. Кўчадан ўтиб кетишаётгандир деб ўйлади. Дарвоза олдига борди. Дарвоза ва ётоқхонасининг эшиклари берклигига ишонч ҳосил қилди. Овозлар тинди. Болалари ётган хонага қайтиб, жойига ётди. Эрталаб соат олтиларда уйғониб чиқиб борса, ётоқхона эшиги ланг очик, ичкаридаги сейфи бўм-бўш, ёстиги остидаги пул ҳам йўқ. Ўғри олиб кетибди.

Абдусалим (исм-фамилиялар ўзгартирилган) акасига кўнғирок қилди. Учкўприк тумани ИИБга борди.

\*\*\*

Турғунбой ховлисида дўкон очган. Бирок иши юришмасдан, насияга улгуржи олган маҳсулотларидан қарз бўлиб, оёғи куйган товукдай питирлаб қолган. Қарзи ортгани сайин кир кўнғилда ғаламислик урчийверган. Поччасининг ошиғи олчи. У билан ҳамқишлоқ, битта кўчада туришади. Данғиллама уйига бежиз кузатув камераси ўрнатма-

ган. Тахлам-тахлам пулларини сейфда сақлайди. Ўзига пишиқ. Бир-икки қарз сўраганда пул бериб турди-ю, кейин хар хил баҳона билан курук қайтарди. Шундан сўнг Турғунбой пулни ўғирлашни дилига тугди... Бир ўзи эплотмайди. Шерик керак. У ўн беш йилча аввал Россияда ишлаб юрган кезлари танишган кўконлик Ўринбой билан борди-келди қилиб турарди. Унинг тайинли иши йўқлиги, ҳамёни куруқлигини биларди. 7 январь кунини шаҳарга отланди. Ўринбой уйдан опаси билан экан. Бошқа хонада унга эшиттирмасдан, ўзича пишиқ-пухта ўйлаб қўйган режасини баён қилди.

— Қишлоқда битта бойвачча бор, — деди-ю қариндошлигини айтмади. — Пули кўп. Тунда олиб чиқиб кетса бўлади.

— Қанча бор? — Ўринбойнинг ҳам иштаҳаси очилди.

— Жула кўп. Уйига кузатув камераларини ўрнатган. Биринчи навбатда ким олдин кирса, камераларнинг тюннерини олиши керак. Телефонда гаплашмаймиз. Телефондаги сўзлашувлар орқали тезда топиб олишлари мумкин.

— Тўғри айтасиз, — маъқуллади Ўринбой.

Турғунбой «Тун ярмида меникига боринг» дея хайрлашди.

Турғунбой тушдан кейин қишлоққа қайтиб келди. Қўшниси Абдувакқос чақирди. Ароқ ичайлик деди. Ичмайман дея уни қайтарди. Кечки пайт у яна кириб келди. Турғунбой унга ароқ куйиб берди-ю, ўзи ичмади. Тунги соат ўн иккида Ўринбой келди. Турғунбой дўкон эшигини очди. Унга бойваччанинг уйини кўрсатди. Тағин ўғирликнинг икки-чирларига ача пиштириб олишди.

Тунги соат иккидан ўтганда Турғунбой қўлига қора қўлқоп кийди. Битта

қўлқопни Ўринбойга берди. Қишлоқ ширин уйқуда. Пусиб поччасининг уйи олдига боришди. Кўча чирогои ўчирилганди. Турғунбой дастқалла ва искана билан кўча деразасини очиб ичкарига кирди. Шериги ташқарида пойлоқчилик қилиб турди. Сўнг у ҳам деразадан олиб тушди. Турғунбой дивандаги сочик билан тоқчадаги пойабзал изларини артиб қўйди. Уйдан ховлига чиқибди. Турғунбой камера экранда таниб қилишлари мумкин дея бошига ёпинчоқ ташлаб олди. Ётоқхона эшиги очик эди. Ўринбой кузатув камерасининг тюннерини ечиб олди. Сейфнинг устига адёб ташлаб қўйилганди. Сейф катта, кўтариб кетишга кўзлари етмади. Сейфнинг эшигини очишди. Пул солгани сумка топа олмасдан уй эгасининг кийимини полга ёшди. Ўринбой пулларни сейфдан халатга олиб тугди. Турғунбой эшикка қараб кўз-қулоқ бўлиб турди. Турғунбойнинг у тараф ёруғ, кўча эшикдан юр дейишига қарамай шериги қайсарлик қилди. Пулни орқалаб ховлининг орқа томондаги дарвозасига юрди. Турғунбой унга эргашди. Улар тунги икки яримларда Турғунбойнинг дўконига келиб 50, 10, 5 минг сўмлик пулларни катта сумкага жойлашди. «Доллар ҳам борми?», — деб сўради Турғунбой. «Доллар йўғу, Россия рубли бор экан», — деди Ўринбой. Келишиб олишганидай у сумкага ч олиб кетди.

Турғунбой сахар олтида туриб маҳалладаги хонадонга фсвхга бориб кайтаётганида кўчада Абдусалим чақирди. Ёнида акаси ҳам бор эди.

— Уйимга ўғри тушди, пулларини олиб кетди, — деди.

— Қанча эди? — ўзини бефарқ тутишга уриниб сўради Турғунбой.

— 100 миллион сўмча пулим йўқ.

ИИБга ариза бераман.

Турғунбой таксида Кўконга йўл олди. Ўринбойга пулларни уйдан бошқа биронга жойга яшириб қўйишни тайинлади. «Телефонда гаплашганимиз йўқ-ку, биздан шубҳаланишмайди», — деди у. Шундай бўлса-да, сумкани қопга жойлаб оғзини боғлаб шу яқиндаги қариндошининг уйига элтиб қўйди.

Абдусалимнинг акаси Абдукарим билан эргалаб гаплашаётганида Турғунбойнинг туриши бежодай туюлди. Унинг синглисига учраб, таваққалига «Тунда акангиз кўшни Одилбекнинг кузатув камерасига тушиб қолибди, айтинг, олган пулни жойига қайтарсин», — деди.

Соат ўн иккиларда Кўкондан қайтган акасига Турсуной боғия гапларни оқизмай-томизмай етказди. Турғунбой бўлашиб ўтириб қолди. Синглисига Ўринбойнинг шаҳардаги манзилни тушунтирди. Турсуной Ўринбойни уйдан чақирди. «Қўшнанинг камерасига тушиб қолди-деман, пул сизда экан, қайтариб беринг», — деди. Ўринбой «Нима деяпсиз, менинг ҳеч нимадан хабарим йўқ» дея тайсаллади. ИИБ ходимлари етиб келишганди эса Турсуной сизда тура турсин деб битта қоп ташлаб кетганди, ичини очиб кўрганам йўқ дея қариндошининг уйига бошлади. Қопдан жами 37 млн. 298 минг сўм санаб олинди.

Судда Турғунбой Турсуналиев қилмишига тўлиқ иқроқ бўлди. Айбини бутунлай инкор этган Ўринбой Гойловнинг биронинг уйдан кўп микдорда пул ўғирлагани эса шериги Турсуналиев, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан тасдиқланди. Жабрланувчи А.Жиянов 37 млн. 298 минг сўм пули қайтарилгани, 58 млн. сўм моддий ва маънавий зарар ундирилишидан воз кечишини, судланувчиларга бошқа даввоси йўқлигини айтиб, енгиллик берилишини сўради. Суд ўғриларга 3 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Аҳмаджон ТўХТАСИНОВ,  
Учкўприк тумани прокурори

Ўзбекистонда пенсионерларга пластик карточка очишларида банкларни танлаш имконияти берилди.



## FAOLIYATIDAN

# СОХТА ТАДБИРКОРЛИК КАСБ ЭМАС

Кейинги пайтларда айрим «уддабурон»лар томонидан тадбиркорликни касб қилиш орқали бировнинг мулкига осонгина эга чиқиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Урганч шаҳар бўлими ўтказган терговга қадар текширишда сохта тадбиркорлик орқасидан қўл урилган иқтисодий жиноят аниқланди.

Урганчлик Т.А. ва Исмоил шахслар 3 миллион сўм эвазига таниши А.В.нинг номига МЧЖ ташкил қилдилар. Улар жамият уставида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишни кўзлабмадан сохта тадбиркорликни йўлга қўйишди. Қурилиш ва металл сотиш билан шуғулланмаган бўлса-да, жамиятнинг ҳисобрақамига бажарилган қурилиш ишлари ва сотилган металл учун деб турли ташкилотлардан пул туширишди. 2017 йил октябрь ойдан 2018 йилнинг июль ойига қадар жамиятга 1 млрд.

189 млн. 976 минг 700 сўм пул оқиб келади. «Тадбиркорлар» ушбу пулни жамиятнинг корпоратив пластик картасига ўтказиб, у орқали юқори ликвидли тез соғиладиган турли маҳсулотларни сотиб олишди. Уларни сотиб, пулни жамиятга кирим қилмасдан ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишади.

Департамент ходимлари ўтказган текширишда жамият томонидан тўланиши лозим бўлган 183 млн. 857 минг 100 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоботларда яшириб кўрсатилгани аниқланган.

Ушбу солиқларни тўлаш ва 1 млрд. 189 млн. 976 минг 700 сўм пулни назорат-касса машинасидан ўтказиб, банкка топшириш учун жамият раҳбари А.В.га 30 кунлик муддат берилишига қарамасдан, юқорида қайд қилинган қонунбузилишнинг оқибатлари бартараф этилмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан сохта тадбиркорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми эълон қилинди.

**Тўлқин ИСКАНДАРОВ,**  
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи



## ПСИХОЛОГНИНГ ПУШАЙМОНИ

Аёл киши ҳақида гап кетганда кўнгилга гўзаллик тимсоли, нозик ва нафис, ёмонлик қилишга қодир эмас каби фикрлар келади. Бироқ аёл кишининг жиноят қилганини эшитсангиз беихтиёр «Астафурullo!» дейсиз. Чунки аёл аввало она. Она меҳрини таърифлашга эса тил ожиз.

Ҳ.Қ.ни яхши танийдиган кишилар унинг мактабга психолог бўлиб ишга кирганини эшитишгандаёқ «Муқаддам судланган киши қандай қилиб таълим масканида ишлайди? Бунинг учун киши чуқур билимдан ташқари юксак маънавиятга ҳам эга бўлиши керак-ку!» деб ўйлашган бўлса ажаб эмас.

Мазкур мактабда миллий истиқлол ғояси ва ҳуқуқ фанидан дарс бериб юрган Б.Қ. мактабда ёшлар иттифоқи етакчиси штаги бўшаганини эшитиб, дарслари камлиги учун шу ишни ҳам олиш учун кимга мурожаат қилсам экан деб ўйланиб турганида, Ҳ.Қ. бу ишни уddалашни мумкинлигини ишшитиб қўйди.

- Менинг юқоридан ҳам танишларим бор.
- Юқори деганингиз халқ таълими бошқармасими?
- Ҳа, шунақа. Ўшалар орқали ишингизни битириб беришим мумкин. Фақат бироз харажати бор-да...
- Қанча экан ўша қуриб кет-гур харажати?
- 300 АҚШ доллари...
- Йўғ-е, менда бунча пул қардан бўлсин?
- Орадан бир-икки кун ўтиб, Б.Қ. яна ҳожатбарор психологга мурожаат қилди.
- Ҳўп десангиз, 200 доллар бераман, рози бўлинг...
- 2 миллион 500 минг сўм

Беринг майли.  
Иш савдоси пишгандай бўлди. Аммо Б.Қ. ёшлар иттифоқи етакчиси лавозими учун иккита номзоднинг ҳужжатлари жўнатилганини эшитиб қолди.

2019 йил 10 октябрь кунини Ҳ.Қ.га мактабдан бир таниш ўқитувчи тезроқ келишини, уни ўқитувчи Б.Қ. кутиб ўтиганини айтишганида қанот чиқариб учиб келгандек бир зумда пайдо бўлди.

– Мана, айтилган 300 доллар.  
– Бўлди, мабодо ишингизни битирмасам пулингизни қайтариб бераман, – деди Ҳ.Қ. қўлидаги ярқираб турган купюраларга қараб шодланаркан. Аммо психолог олинди уни нима қутаётганини билмасди.

Ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари деб таништирган йигитларга жовдириб қараркан, жиноятчи аёл воёга етмаган боласи ҳақида қайғурдими ёки пушаймонлик таъсириданими, бир зум довдираб қолди.

Суд ҳукми билан айбдор деб топилган Ҳ.Қ.га бу гал ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шартини билан 2 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Шоҳрух ИСТАМОВ,**  
департаментнинг Қоракўл тумани бўлими инспектори

# ИШГА ОЛИШ УЧУН ПОРА

Н.Н. коллежда директорнинг котибаси эди. Бирга ишлаган, бир йил аввал мактабга ишга ўтган А.Х. билан тасодифан кўришиб қолди.

– Коллежимиз ёпилаётгани, огоҳлантириш хати беришди, иш излаяпман, опа, сизларда иш борми? – деди.

– Директоримиз билан гаплашиб кўраман, иш бўлса айтаман.

Н.Н. унга бир неча бор кўнғирок қилиб илтимосини эслатди. Орадан бир ойча ўтиб А.Х. унга кўнғирок қилди.

– Бўш жой бор экан. Директор қанча пул бера оларкин, «ёзувчи» эмасми, орданда танишлари йўқми, одам қўймайдими деб сўради. Сизни яхши қиз дея мактадим, юз доллар эвазига ишга оладиган бўлди, – деди.

– Ўзи билан гаплашиб, шароитимни тушунтирсам...

– Директор опага айтиб кўраман, вақтини билиб сизга кўнғирок қиламан.

Орадан бир неча кун ўтиб Н.Н. мактабга борди. «Директор шу бўлса керак» дея «Ласетти» автомобиллиги минишга чоғланган аёлга юзланди. «А.Х. билан коллежда бирга ишлаганмиз», – деди.

– Ҳа, айтган эди, – деб Ф.Д. мутахассислигини, қаер

да ўқиганини сўради.

– Компьютерни яхши биламан, оилада бир ўзим ишлардим, ишга киришим жуда ҳам зарур.

– Бўш иш ўрни бор, лекин ойлиги камрок.

– Раҳмат, опа, нима хизмат бўлса, айтаверинг.

– Сизни тавсия қилган опангизга айтганман.

– Уни ўртага қўшмай ўзимиз гаплашаверайлик.

Директор қўли билан «икки» ишорасини қилди. Н.Н. «Икки юз долларми?» дея сўраганида, «Ҳа» деб тасдиқлади.

Директорнинг шартига кўнган Н.Н.нинг департаментнинг Кўқон шаҳар бўлимига мурожаати асосида тадбир ўтказилди.

Эртаси кунини Н.Н.нинг ҳужжатларини кўриб чиққан директор «Олиб келдингизми?» деди. Н.Н. «Ҳа» дея 100 АҚШ доллари ва 850 минг сўмни директор очиб

турган папканинг ичига солди. «Нима иш қиламан?» деб сўради. «Ярим ставка лабо-рантлик, ярим ставка кутубхоначи бўлиб ишлайсиз, ариза ёзинг». У аризани ёзиб чиқиб кетганидан сўнг хонага департамент ва ИИБ ходимлари кириб келишди.

Суриштирув давомида А.Х.нинг уйига борган директорнинг югурдақлари ундан Н.Н.ни аризасини қайтариб олишга кўндиришни талаб қилишди. Директор рад жавобини берган А.Х.ни ишдан бўшатмоқчи ҳам бўлди. Судда у қилмишини ҳаспўшлаб, сувдан қуруқ чиқинга уриди. Ишга қабул қилиш эвазига пора талаб қилиб олган директорнинг айби инкор этиб бўлмас далиллар билан тасдиқланиб, унга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

**Назиржон МАРАСУЛОВ,**  
департаментнинг Кўқон шаҳар бўлими бошлиғи

## 3500 ДОЛЛАРЛИК «ҲОЖАТБАРОРЛИК»

Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси молия ва моддий-техник таъминот бўлинмаси ҳайдовчиси Т.И. фуқаро Р.Д.ни Косон туманидаги жазони ижро этиш муассасасига танишлари орқали ишга киритиб қўймоқчи бўлди.


«Ҳожатбарор»нинг хизмат ҳақи 3500 АҚШ доллари бўлар эмиш. Аввалига Р.Д.нинг бунча пулни қандай топишга боши қотди. Сўнг пул ҳам «топилди»...

Бошқармадан ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда Т.И. Р.Д.дан 3500 доллар пулни олган пайтида ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан унга жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Равшан ОМОНОВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси суриштирувчиси





## МАҚСАД – ЭҲТИЁЖМАНД ФУҚАРОЛАРНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ

Коронавирус пандемияси сабабли мамлакатимизда эълон қилинган карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ҳолидан хабар олиниши ва уларга ёрдам кўрсатилиши олийжаноб халқимизнинг бирдамлигини кўрсатди.

Савоб ишнинг катта кичиги бўлмаганидек, Мажбурий ижро бюроси органлари ходимлари ҳам ташаббус билан чиқиб, фойдаланилган электр энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматларнинг пулини ўз вақтида тўлаб бориш имкониятига эга бўлмаган камбағал оилаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳомийларни жалб этмоқда.

Олиб борилаётган тарғибот ва профилактика тадбирларидан тўғри хулоса чиқараётган тадбиркорларимиз, ташкилот ва корхоналар аҳолининг камхарж катламига ҳомийлик қилиш мақсадида бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси туман бўлимларининг ҳисобрақамларига пул ўтказишмоқда.

Жумладан, бюронинг Миробод тумани бўлими ҳисобрақамига хусусий корхоналар ўтказиб берган 13 млн. сўм ҳисобидан тумандаги 35 та эҳтиёжманд оиланинг табиий газ ва электр энергиясидан бўлган қарзи тўлаб берилди.

Мажбурий ижро бюроси органлари ташаббуси билан ҳозирга қадар 10 100 дан ортик эҳтиёжманд фуқаронинг 1 млрд. 771 млн. сўмдан ортик қарзи шу тариқа, саховатпеша юрдошларимизнинг ёрдами билан бартараф этилди.

Масалан, Ромитан туманининг Хўжалар кишлоғида яшовчи ижтимоий ёрдамга муҳтож

Г.М. ва Сокижон кишлоғида яшовчи пенсионер Н.Т.нинг 1 млн. 115 минг сўмдан маъмурий жаримаси унитар шўъба корхонаси ҳомийлигида тўлаб берилди.

Ушбу тумандаги «Урганжиён» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Б.Х. воёга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент тўлаши керак. Бироқ у карантин шароитида алимент тўлаш имкониятига эга бўлмай қолган эди. Шу сабабдан Б.Х.га халқимизга хос саховатпешалик фазилати билан ёрдам қўли чўзилди. Олиб берилган тушунтиришлар натижасида ҳомийлар 1 млн. 358 минг 456 сўм алимент қарзини ундирувчи Х.Р.га тўлаб берди. Ҳудди шундай оталардан А.С. ва Ф.Ф. ҳам ҳомийларнинг кўмағидан баҳраманд бўлди.

Бундан ташқари, эҳтиёжмандлиги учун тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмай турган оилаларнинг муаммолари инсонпарварлик тамойили асосида ташаббускор ҳомийлар ёрдамида ҳал қилинмоқда. 300 дан ортик кишининг ижро ҳужжатлари бўйича 60 млн. сўмдан зиёд қарзи шу тариқа бартараф этилди.

**Улуғбек АШУРОВ,**  
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бошлиғи

## САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

Ҳар қандай офатда халқнинг аҳиллиги, сабри, эзгу фазилатлари синовалдан ўтади.

Савоб ишнинг катта-кичиги бўлмаганидек, Мажбурий ижро бюроси органлари ходимлари ҳам ташаббус билан чиқиб, фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлай олмаётган камбағал оилаларга ёрдам кўрсатишга эътибор бериб келмоқда. Шу мақсадда ҳомийлар жалб этилаётган.

Хусусан, бюронинг Ангор тумани бўлими ходимлари ҳам ана шундай хайрли ишга қўл урди. Ҳомийлар ҳисобидан туманининг «Талашқон», «Зартепа», «Дехқонбирлашув», «Карвон», «Каттақум» ҳамда «Охунбобоев» МФЙларида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож 10 та оиланинг коммунал тўловлардан қарзи тўлаб

берилди. Бундан ташқари, уларга 14 хил озиқ-овқат маҳсулотлари етказилди.

Имконияти бор бошқа юрдошларимизни ҳам муҳтож кўни-қўшни ва маҳалладошларига ёрдам беришга чорлаб қоламиз.

**Олим ХОЛМЎМИНОВ,**  
МИБ Ангор тумани бўлими бошлиғи

## КОРХОНАЛАРДАН ХАЙРИЯ

Мажбурий ижро бюроси органлари бугунги синовли кунларда эҳтиёжманд аҳолига ёрдамлашиш ташаббусини илгари сурмоқда. Камбағал оилаларнинг электр энергияси, табиий газдан бўлган қарзларини тўлаб бериш, турли ижро варақаларига асосан қўлланган жарималарни бартараф этиш шулар жумласидандир.

Карантин даврида бюронинг Самарқанд вилояти бошқармаси, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан бу масалага инсонпарварлик тамойили асосида ёндашилмоқда.

Олиб берилган тарғибот ва тушунтиришлар самара бериб Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Самарқанд техмак мато» қўшма корхонаси бюронинг Самарқанд шаҳар бўлимига 10 млн. сўм, «Сино эко пласт» МЧЖ 5 млн. сўм ва «Elholding» ИИЧБ 1 млн. 277 минг сўм пул

ўтказиб берди. Ушбу маблағлар қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаган фуқароларнинг қарзларини қоплашга йўналтирилди.

Бу борадаги хайрия тадбирлари давом этмоқда.

**Фаррух ИБРАГИМОВ,**  
МИБ Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари

## КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

Ўзбекистонда карантин эълон қилинган сабабли касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида Мажбурий ижро бюроси ходимлари истеъмолчиларнинг хонадонларига бормасдан, фойдаланилган энергия ресурсларининг ҳақини онлайн тарзда тўлаш учун барча шароитлар яратиб берилди.

Шундай бўлса-да, айрим фуқаролар фойдаланилган электр энергияси ва газ ҳақини ўз вақтида тўлаш борасида эътиборсизлик қилаётган бўлса, айримлар энергия ресурсларидан ўтринча фойдаланишни афзал кўраётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бюронинг Шахрисабз тумани бўлими ходимлари бундай ҳуқуқбузарликларни фош этиш, айбдорларга нисбатан таъсир чораларини қўлаш борасида қатор тадбирларни амалга ошириб бормоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 3 оyi мобайнида 30 та шундай ҳолат аниқланган бўлиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан қонун доирасида жазо чоралари қўлланиши таъминланган.

Жумладан, «Янгикишлоқ» МФЙда яшовчи М.Б.нинг хонадонни назорат тартибидан кўздан кечирилганида истеъмолчи хонадонидан иссиқхона ташкил қилиб, туман газ идорасидан рухсат олмасдан газ тармоғига тўғридан-тўғри улашиб, лойихадан ташқари битта печ ўрнатган ҳолда табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келгани маълум бўлди. Шу тариқа у газ таъминоти корхонасига 4 млн. 464 минг сўм зарар етказган.

Қондабузарга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдоридан жарима жазоси қўлланди.

Шунингдек, «Хўжахуросон» МФЙда яшовчи С.А. ҳам электр энергиясидан ўтринча фойдаланишни маъқул кўрган. Бюронинг Шахрисабз тумани бўлими ходимлари фуқаронинг уйига борганида ҳаммаси жойидадек кўринди. Аммо ходимлар хонадоннинг чордоғини кўздан кечирганида электр тармоғига ҳисоблагичдан ташқари яширинча улангани аниқланди. Шу оinda фуқаронинг юзидан пушаймонлик белгиси акс этганини англаш қийин бўлмади.

Мазкур ҳолат юзасидан олиб борилган суриштирувда фуқаро электр таъминоти корхонасига 23 млн. сўмдан кўпроқ зарар етказгани аниқланди. Суриштирув жараёнида қондабузар етказилган зарарни таъминотчи корхонага тўлаб бергани сабабли тегишли ҳужжатларга асосан жавобгарликдан озод этилди.

«Кейинги пушаймон – ўзинга душман» деган мақол бежиз айтилмаган. Шу сабабли кейинчалик пушаймон бўлмастик учун энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, пулини ўз вақтида тўлаб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Шерзод ЭРДОНАЕВ,**  
МИБ Шахрисабз тумани бўлими бошлиғи  
**Шохрух РЎЗИЕВ,**  
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

## ТАРАФЛАР КЕЛИШИБ, НИЗО ТУГАДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманларaro судининг 2019 йил 27 сентябрдаги ижро варақасига асосан қарздор Р.Алимқуловни Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Авиасозлар-2 даҳаси 57-уй 22-хонадондан чиқариб, А.Ахметзяновани мазкур хонадонга киритиш



ҳақидаги ижро иши бюронинг Яшнобод тумани бўлимига келиб тушган. Ижро ҳужжати бўйича давлат ижрочиси қонун талаби асосида қарздорга ихтиёрий муддат берган. Афсуски, қарздор уйни бўшатмаган.

Мамлакатимизда карантин давом этаётган бугунги вазиятдан келиб чиқиб, бюронинг Яшнобод тумани бўлими давлат ижрочилари масофадан туриб олиб борган тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида тарафлар ўзаро келишган. Ундирувчи А.Ахметзянова қарздорга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва ижро ишини юритишни тамомлашни сўраб 2020 йилнинг 6 май куни ариза билан мурожаат қилган.

Юқоридагиларга асосан ижро иши «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасига кўра тамомланган.

**Отабек ГАФУРОВ,**  
МИБ Яшнобод тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

Польшалик олимлар коронавирус инфекциясини юқтирганда ўлим эҳтимолини ҳисоблаб берувчи калькуляторни яратишди.

## ИИБ ХОДИМИ ИШИГА ТИКЛАНДИ

Бизда ишдан бўшатишнинг оддий усули оммалашган, яъни «аризангни ёз!» Оsonи шу- да: ходим «ўз хоҳишига кўра» ишдан кетса, осон қутулади, бўлмаса ноинсоф бошлиқ бошқа йўлларни ахтара бошлайди.

Чунки ўз хоҳишига кўра ариза ёзмайдиган, ҳуқуқни биладиган ходимлар бошлиқнинг «аризангни ёз!» деган гапига қулоқ солиб кетавермайди-да. Аслида ходимни ишдан асосиз бўшатиб бўлмайди. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи эса Конституциямиздан ташқари Меҳнат кодекс ва бошқа қонушларда ҳам мустаҳкамлаб кўйилган.

Мисол учун, фуқаро Хуршида Джаббарова 2000 йилдан 2012 йилга қадар Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасида турли лавозимларда ишлаб келган.

Самарқанд вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг 2012 йил 29 июндаги текширув хулосасига кўра Х.Джаббаровага Ўзбекистон фуқаролиги ноқонуний берилгани ва у Ўзбекистон фуқароси ҳисобланмаслиги қайд этилган. Ушбу хулосага асосан Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг 2012 йил 21 июлдаги буйруғи билан вилоят ИИБда қатъи равиш билан ишлаган Х.Джаббарова фуқаролиги бўлмагани учун ички ишлар идоралари хизматидан бўшатирилган.

Бундан норози бўлган Х.Джаббарова фуқаролигини тиклаш масаласида бир неча йил давомида турли идораларига мурожаат қилиб келган. Аммо ижобий натижа бўлмаган. Ниҳоят, Самарқанд вилояти маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 7 февралдаги қарори билан Х.Джаббаровага нисбатан ўтказилган хизмат текшируви гайриқонуний деб топилиб, Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси зиммасига Хуршида Джаббарова ва унинг икки фарзандига Ўзбекистон фуқаролиги паспортини бериш

мажбурияти юклатилган. Шунга асосан 2019 йил 21 февралда Х.Джаббарова ва унинг икки фарзандига Ўзбекистон фуқаролиги паспорти берилган. Шундан сўнг Х.Джаббарова 2019 йил 14 майда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ички ишлар органларига ишга тиклашни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 10 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан Хуршида Джаббарованинг аризасини қаноатлантириш даъво муддати ўтказиб юборилгани сабабли рад этилган. Ушбу қарор Самарқанд вилояти суди апелляция инстанциясининг 2019 йил 22 октябрдаги ажрими билан ҳам ўз кучида қолдирилган. Шундан сўнг Х.Джаббарова мазкур қарорлардан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда Олий суди раисига мурожаат қилган.

Унинг мурожаати Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати томонидан назорат тартибда кўриб чиқилди. Судлов хайъати иш ҳужжатларини ўрганиб, тарафлар ва адвокатларнинг тушунтиришларини, прокурорнинг Хуршида Джаббарованинг даъвои қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини муҳожама қилиб, 2020 йил 19 март куни ажрим чиқарди. Унга кўра қуйи судларнинг иш бўйича чиқарилган қарорлари бекор қилиниб, Х.Джаббарованинг мурожаатини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди ва унинг ҳуқуқлари тикланди.

**Алибек ХАЛИЯРОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори



## ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Прокурорлар аниқланган қонунбузилишлар бўйича ваколоти доирасида судларга киритаётган айрим аризаларни судлар асосиз равишда қайтараётган ёки кўрмасдан қолдираётган ҳолатлар учрамоқда.

Мисол учун, Навоий вилояти Қизилтепа тумани прокурори Қизилтепа шаҳри Ўзбекистон кўчасидаги давлатга тегишли ерда фуқаро С.Одилов ўзбошимчалик билан иморат қурганини аниқлаб, ноқонуний қурилишни буздириш ҳақида судга даъво аризаси киритган.

Биринчи инстанция суди прокурор аризасини қаноатлантирган бўлса-да, фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг кассация инстанциясида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган ва Қизилтепа тумани прокурорининг ушбу даъво аризаси Фуқаролик процессуал кодексининг 122-моддаси 2-бандига (ариза иш юритиш ваколоти бўлмаган шахс томонидан берилган) асосан кўрмасдан қолдирилган.

Суд ажримида прокурор фақатгина ФПКнинг 50-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ҳолатларда судга ариза билан мурожаат қилишга ваколоти эканлиги тушунтирилган.

ФПКнинг 50-моддасида эса прокурорнинг суд процессида иштироки жараёнидаги ваколоти кўрсатилган бўлиб, унга кўра агар фуқаро соғлиғининг ҳолати, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган.

Суд томонидан ФПКнинг 50-моддаси 1-қисмида кўрсатилган норма нотўғри талқин қилиниб, ушбу моддада фуқаро (Фуқаролик кодексининг 16-моддаси) ҳақида сўз юритилгани суднинг эътиборидан четда қолган, прокурор эса давлат манфаатини кўзлаб судга ариза киритган.

Бундан ташқари, суд ажримида манфаатдор шахс Қизилтепа тумани ҳокимлиги ноқонуний қурилишни буздириш юзасидан прокуратурага ариза бермагани, бироқ Қизилтепа тумани прокурори туман ҳокимияти манфаати йўлида судга даъво аризаси киритгани кўрсатилган.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида прокурорнинг ваколоти белгиланган бўлиб, унга кўра прокурор қонун бузилиши аниқланган тақдирда ушбу қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Бундан кўринадики, прокурор судга даъво ариза киритиши учун ҳокимлик ёки бошқа идоралар прокуратурага мурожаат қилиши шарт эмас, прокурор шундоқ ҳам қонун бузилиши аниқланган ҳолатлар юзасидан судга ариза киритиш чораларини кўради.

Шунингдек, ФПКнинг 122-моддаси 2-бандида агар манфаатдор шахс номидан ариза иш юритиш ваколоти бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, суд аризани кўрмасдан қолдириши кўзда тутилган.

Ариза иш юритишга ваколоти бўлмаган шахс томонидан берилган, деганда манфаатдор шахс номидан судда иш юритиш учун ишончномаси мавжуд бўлмаган шахс томонидан берилган ариза тушунилади.

Прокуратура органлари махсус қонунда белгиланган ваколоти доирасида фаолият юритгани сабабли ушбу норма прокуратура органларига нисбатан таъбиқ этилмайди. Қолаверса, прокуратура органлари манфаатдор шахсларнинг ишончномасига асосан ҳаракат қилмайди.

Вилоят прокуратурасининг қонунга зид равишда чиқарилган суд ажримига нисбатан қиритган тақдимномаси Бош прокуратура томонидан қуватланиб, Олий судга назорат тартибда протест келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2020 йил 17 мартдаги ажрими билан протест қаноатлантирилиб, кассация инстанцияси судининг ажрими бекор қилинди ва прокурор давлат манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги эътироф этилди.

**Ахбор КЕНЖАЕВ,**  
Навоий вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

## FAOLIYAT

### ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Бугунги кунда аҳолининг соғлиғини ҳимоя қилиш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш энг устувор вазифа бўлиб турибди. Шу боис кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳўш, карантин даврида истеъмолчилар фойдаланган электр энергияси, табиий газ ҳамда олиб кетилган маиший чикинди пулини қай тартибда тўлаётми?

Бу борада бюронинг Наманган вилояти бошқармаси зарур чора-тадбирларни кўриб келмоқда.

Бугунги вазиятдан келиб чиқиб, биринчи навбатда ходимларимизнинг соғлиғини ҳимоя қилишга эътибор қаратаёلمиз. Шу боис ҳар куни бошқарма, шунингдек, шаҳар ва туман бўлимларида ишлаётган ходимларнинг ҳарорати ўлчаниб, махсус ниқоблар билан таъминланмоқда. Вазиятдан келиб чиқиб, 441 нафар ходим меҳнат таътилга чиқарилди.

Илгари давлат инспекторлари асосан маҳаллаларда юриб, истеъмолчилар билан мулоқот қиларди. Бугун-

ги кун талабидан келиб чиқиб, бюро томонидан уйдан чиқмаган ҳолда тўловларни амалга ошириш мақсадида «Телеграм»да @mibuzbot яратилди.

Мазкур тармоқ истеъмолчилар учун жуда қулай. Ботдан фойдаланиш ҳам қийин эмас. Истеъмолчи ушбу ботга кириб, «старт» тугмасини босади. Кейин мобиль телефони рақамини улайди. Шундан сўнг коммунал хизмат тури, вилоят, туман, шаҳар танланганда ҳамда электр энергияси, табиий газ ёки қаттиқ маиший чикинди учун шахсий ҳисобрақами киритилади.

Ўз навбатида, маълумотларни қабул қилиб олган бот абонентнинг ҳисоб-китоб маълумотларини кўрсатади. Кейинги босқичда истеъмолчи ҳисоблагич фотосуратини юбориб, тўлов имкониятига эга бўлади. «Тўлов»

туғмасини босиб электрон тўлов тизимлари орқали ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин. Шу қунгача мазкур ботдан фойдаланаётган истеъмолчилар салкам 40 минг нафарга етди.

Бугунги кунда вилоятимизда ҳам мазкур бот, унинг қулайликлари тарғиб қилинмоқда. Деҳқон бозорлари, озиқ-овқат ярмаркаларида, маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолига унинг афзалликлари тушунтириляпти.

Бундан ташқари, аҳолининг истаги инобатга олиниб, деҳқон бозорлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилаётган ярмаркаларда сайёр кассалар фаолияти йўлга қўйилди. Албатта, бунда масофа сақлашга, гигиена қоидаларига қатъий амал қилинмоқда. Ҳозир вилоятимизда 150 дан ортиқ ана шундай касса ишляпти.

Бугун аҳолининг асосий қисми ўз уйда эканлиги боис энергия ресурсларига эҳтиёж анча ортди. Уларнинг пули ўз вақтида тўланмаса, қарздорлик ҳам шунга монанд ортиб бораверади. Юртдошларимизга яна бир марта эслатмоқчимиз: қарзларни уйдан чиқмай ҳам тўласа бўлади!

**Дилмурод УМАРАЛИЕВ,**  
ИИБ Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи

## МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган прокуратура фахрийси Олимжон Солиев табаррук 60 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Андижон ва Жиззах вилояти прокуратураси органларида турли лавозимларда самарали меҳнат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфиқр, ўз соҳасида ҳам, жамоат

ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Олимжон Солиевнинг узок йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба тақдирланган.

Хурматли Олимжон Обиджанович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази

# КАРАНТИНДА БЕПУЛ МАСЛАҲАТ

Дунё иқтисодчиларининг огоҳлантиришича, жаҳон мамлакатлари коронавирус пандемияси келтирган зарардан қайта оёққа туриши учун бир неча йил талаб қилинади. Мазкур инфекциянинг жаҳон иқтисодиётига берган зарбаси 2008 йилги глобал иқтисодий инқирозникидан катталиги айтилмоқда. Пандемия оқибатида мамлакатлар қисқа фурсатда ўзини тиклаб олишлари амримаҳол.



Мутахассислар оғат даф қилингандан кейин ўттиздан ортик мамлакатда озиқ-овқат танқислиги рўй бериб, аҳоли очарчилик балосига дуч келишини тахмин қилишди. Ўзбекистонда ўз вақтида карантин жорий этилгани туфайли инфекциянинг жуда кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Гарчи бундай тадбирлар одамларга бироз ноқулайлик келтириб чиқарган бўлса-да, аҳолининг жиддийлигини тушунган халқимиз ушбу талабларга риоя қилди. Натижادا вирусни деярли жиловлашга муваффақ бўлинди.

Карантин даврида кредитлар, солиқлар, коммунал ва бошқа тўловларни тўлашга берилган энгилликлар ҳамда уларнинг муддати узайтирилгани ҳам халқимиз учун яна бир имтиёздир.

Президентимизнинг кўрсатмасига биноан ҳар бир маҳалла бўйича кийналган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, сурункали касаллиги бўлган шахсларнинг аниқ рўйхати тузилиб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш учун алоҳида жамғарма ва «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати ташкил этилгани давлатимиз сиёсати нақадар халқчиллигининг яна бир бор намоён қилди.

Касалликка чалинганларни даволаш, бошқаларга вирус юқмаслиги учун ўн минглаб одамларни карантинда ушлаб туриш, тиббий муассасаларни зарур дори-дармон ва жиҳозлар билан мунтазам таъминлаш ҳамда шифокорларни моддий рағбатлантириш чоралари давлат бюджетининг катта қисмини шу ишларга ажратишни тақозо этади.

Карантин даврида қўллаб янги қоида ва тартиблар жорий этилаётгани маълум. Бу табиий равишда фуқароларнинг ҳуқуқий маълумот ва маслаҳатга эҳтиёжи ортишига олиб келди. Шунинг эътиборига олиб, давлатимиз томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий маслаҳатга бўлган эҳтиёжини масофавий тарзда қондириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ижтимоий

тармоқлар орқали йўллаган саволларига ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар бериб борилаётгани. Жумладан, юрtdошларимиз меҳнат, оила, ср, уй-жой қонунчилиги, пенсия ва ижтимоий таъминот, давлат хизматлари кўрсатишга доир қонун ҳужжатлари юзасидан саволлар йўллашмоқда.

Фуқароларнинг саволларига тезкор ва батафсил жавоб бериш мақсадида юзга яқин малакали мутахассис, шу жумладан «Мадад» ННТ ходимлари ҳам жалб қилинган. Ташкилотимиз мутахассислари карантин даврида аҳолини қизиқтирадиган саволларга ўзбек, инглиз ва рус тилларида тушунтириш беришмоқда.

«Мадад» нодавлат нотижорат ташкилотининг туман ва шаҳарлардаги ҳуқуқий маслаҳат бюрolari мутахассислари қонунчилигимизнинг барча соҳалари бўйича онлайн тарзда бепул ва батафсил ҳуқуқий йўл-йўриқ кўрсатади. Карантин тугаганидан сўнг эса хоҳишларингизга кўра мурожаат қилинаётган масалаларга тегишли ҳуқуқий ҳужжатларнинг намуналарини ҳам расмийлаштириб тақдим этади. Бунинг учун ташкилотнинг имконияти етарли.

Хулоса қилиб айтганда, синовли ва жиддий ўзгаришларга бой шу кунларда ҳам ҳар бир фуқаро малакали ва бепул ҳуқуқий маълумот олиш имконига эга бўлиши керак. Давлатимиз фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ҳуқуқини таъминлаш учун барча ресурсларнинг узлуксиз ва тизимли фаолият юритишини қафолатлайди. Асосийси, юзма-юз мулоқотсиз, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда уйдан туриб ҳам ҳуқуқий маълумот олишингиз мумкин.

### А.ХАЙРУЛЛАЕВ,

«Мадад» нодавлат нотижорат ташкилотининг Шайхонтоҳур тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси

## Ўтганларнинг охири ошди

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Хоразм вилояти бошқармаси жамоалари Бюронинг Урганч тумани бўлими бошлиғи Ниятилла Султановага волидан муҳтарамаси **Зухра ТУРСУНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа тумани прокуратураси катта терговчиси

**Жавохир ЯХШИБАЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Чирчиқ ҳарбий прокуратураси иш юритув мудираси Гулсара Уриновага волидан муҳтарамаси

**Александра МАВЛОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Жорий йилда юртимиздаги барча шифохоналар ва болалар боғчаларини оптик толали интернетга улаш режалаштирилмоқда.

КЕЛГУСИ  
СОНДА

СОЛИҚЧИ

«ТҮЁНА»

БАҲОНАСИДА  
ТАДБИРКОРНИ  
ТАЛАМОҚЧИ  
БЎЛДИ.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

О'zbekiston  
Respublikasi  
Bosh  
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV  
Halim BOLTAYEV  
Sodigjon NAZAROV  
Hayot SHAMSUTDINOV  
Utkirjon DEXKANOV  
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT

MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo  
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85



[www.huquq.uz](http://www.huquq.uz)



[Info@huquq.uz](mailto:Info@huquq.uz)

Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqriz qilinmaydi va eglariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Ⓜ — tijorat materiali.

Buyurtma v-4144.

18 695 nusxada bosildi.

Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 besma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASDAROV

Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 72010 761004

14-MAY 2020-Y.

HUQUQ № 19

(1216)

11

# БАЛОҒАТГА ЕТАЁТГАН БОЛА...



кўйсақ қанчалик адолатдан бўлади?!  
Бир ҳолатни тахлил қилайлик. Балогат ёшидаги бола отасининг тергашларини кўтаролмай, унга гап қайтара бошлади. Бир қарашда у чиндан ҳам ноҳақ, катталар, айниқса, отасининг олдида ўзини босиши даркор. Аммо у бунинг улдасидан чиқа олмади. Бундан жahlди чиккан ота кўпчилик олдида уни қаттиқ уришиб ташлади. Бу ўсмирга оғир ботди. Ўзини «бир нима қилиш»га уринди.

Хайриятки, вақтида билиб қолишди, фалокатнинг олди олинди. Бироқ юракларда алланечук ўчмас жароҳат қолди...

Мазкур воқеа ҳақида гап борганда, «арзимас гап-сўз сабаб...» дея таъриф бергувчилар кўп. Аслида ҳам арзимас гап-сўз... Бироқ уни ўсмир кўтаролмади...

Биз ҳаётнинг паст-баландини кўриб бўлдик, аччиқ-чучукни кўтара оламиз. Аммо у эндигина бу нарсаларга тушуниб бораёпти, ҳаётга қарши ўзгараёпти. Буни тўғри тушуноғимиз, унга кўмакчи бўлмоғимиз шарт. Масалан, у билан самимий суҳбат қилишимиз унга далда бўлади. Қолаверса, ана шу суҳбатлар орасида бошқа нарсалар билан банд бўлиб, ўқишини ҳам унутиб қўймаслиги кераклигини тушунтирсак, буни тўғри тушунади.

Биз-чи?! Фарзандларимизнинг кўз ўнгиде ўзимизни беҳурмағ қилиб бир-биримиз билан гап талашамиз, айбларимизни юзимизга солаемиз, оиланинг икки-чакирларига гап улар олдида муҳокама қилаемиз. Кейин эса «Боламиз нима учун жижзаки?», «Ўсмирлар орасида нега майда безориликлар кўп?» сингари саволлар гирдобиде қоламиз.

Ёшлар масаласи ҳар бир давр, давлат ва оила учун доимо долзарб. Оилада ота-оналарнинг дунёқарashi, маънавияти, ҳаётдан олган сабоқлари тарбиянинг негизини ташкил этади. Ўз навбатида, ёшларнинг ҳаётдан ва оиладан олган сабоқлари уларнинг келажагини белгилаб беради.

Улуғ мутафаккир Фитратнинг сўзларига эътибор беринг-а.

«Халқнинг аниқ максад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмағ топиши, жаҳонгир бўлиши ёки занф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ».

Ҳақиқатан ҳам ўз боламизни қандай тарбия қилсак, келажагимиз ҳам шундай бўлишини ҳар бир инсон тушуниб етса қошқиди. Бошига кулфат тушганида ёки фарзанднинг ҳаракатидан норози бўлганда айримлар «Мен тарбиянинг каерида хато қилдим?» дея пушаймон қилса, айримлар ёшларни бебошлиқда, масъулиятсизликда айблаб, ўзлари бу ёшда жуда

одобли, тарбияли бўлганларини рўқач қилади...

Шу ўринда эътиборингизни яна бир жиҳатга қаратмоқчиман.

Бугун интернет, жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларини кузатаётганлар глобал иқтисодий муаммолар асосида бутун дунёда жинойтчилик кўлами ортиб бораётганини яққолроқ сезмоқда. Америка, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларидаги ноҳуш манзаралар маънавият мавзуси тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан далолатдир. Шунинг учун ҳам Европадаги қатор давлатларнинг парламентлари депутатлари мактабни нафақат таълим, балки асосий тарбия масканига айлантириш учун таълим концепциясини қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда меҳр-муҳаббат ва аҳилликни қучайтиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга чакирмоқдалар.

Хориж магбуоти хабарларига кўра АҚШда 7,5 миллион боланинг ота-онаси ҳаддан ташқари кўп шароб истеъмол қилиши аниқланган. Бу шу ёшдаги америкаликларнинг 10,5 фоизи деганидир. Энг ачинарлиси, бу болаларнинг 1,4 миллион нафарини отаси ё онаси ёлғиз тарбиялаётти. Психологлар ота-оналарнинг бундай хулқи болаларни ҳам пиёнистага айлантиришини айтиб огоҳлантиришмоқда.

Францияда юқори синф ўқувчиларининг 6 фоиздан кўпроғи мунтазам равишда наркотик моддалар, 13 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилар экан. Бундан-да аянчлиси, шаҳарларда одамлар кўнгулга гўлгула солиш билан шугулланаётган ўсмирлар турли ноқонуний гуруҳларга уюшмоқда. Бунинг оқибатида содир этилаётган жинойтлар ортидан ахлоқ тузатиш колониялари ўсмирлар билан тўлиб-тошаяпти. Хорижлик экспертларнинг фикрича, бу маънавият соҳасида пайдо бўлган бўшлиқ ва тарбиядаги эътиборсизлик натижасидир.

Афсуски, ана шу бўшлиқ ортидан бугун дунёнинг бир қатор мамлакатларида оила ва жамият ҳаёти жиддий хавф остида қолмоқда. Мактаб ва университетларда қуроли хужумлар содир этилаётгани, катта шаҳарлар кўчаларида криминал унсурларнинг бемалол фаолият юритаётгани, улар куппа-қундузи хорижликлар-

ни ўлдириб кетаётгани, эркак билан аёл ўртасида фарқ қолмаётгани, ёшларнинг фарқини тарғиб этадиган журналлардаги чиқишлари жамоатчиликни хавотирга соляпти.

ОАВ хабарларига кўра балогатга етмаганлар орасидаги жинойтчилик кўлами бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлардан яна бири Буюк Британиядир. Ҳар йили кироликдаги ҳар тўрт ўқитувчининг бири ўқувчилар зўравонлиги қурбонига айланмоқда. Натижада Англия ва Уэльсдаги педагоглар орасида ўз жонига қасд қилиш ўртча 40 фоиздан ортган.

Тахлилчилар жануби-шарқий Осиёнинг йирик мамлакатларидан бири – Ҳиндистонда аҳолининг 40 фоиздан зиёди саводсиз эканига эътибор қаратмоқда. Таъқидлаш жоизки, саводсизларнинг деярли барчаси қашшоқлардир. Шу билан бирга, туғилишининг қўлиги болаларни таълим тизимига гўлиқ жалб этиш имконини бермаяпти.

Келажақ ёшлар қўлида экани ва уни бундай қашшоқ, имсиз болалар билан қуриб бўлмаглигини Ҳиндистон ҳукумати яқши тушунади, албатта. Шунинг учун кейинги йилларда амалга оширилаётган иқтимоий дастурларда бу масалага алоҳида ўрин берилмоқда. Хусусан, мамлақатда қашшоқликка қарши кураш ва болалар меҳнатини тартибга солишга жиддий эътибор қаратилляпти.

Тахлилчилар бола тарбияси учун миллиардлаб маблағ сарфлаш шарт эмаслиги, балки уни оиладан бошлаш, мактаб ва оила ўртасида мунтазам алоқа ўрнатил кутилган натижани беришини таъқидлашмоқда.

Кўраёйсизми, гап айланиб яна оилага келиб такалавереди. Инсон қай даражада шаклланишини ўз оиласидаги муҳит белгилайди деган хулоса қайта-қайта тасдиғини топяпти.

Қиз ҳам, ўғил ҳам ўзимизнинг жиғарбандимиз. Уларнинг қай бирига тикон кирса, бизнинг юрагимизга санчилиши тайин. Шу боис фарзандларимиз тарбиясига гўдаклик чоғиданок эътиборли бўлайлик. Зеро, уларнинг мўминлиги, солиҳлиги нафақат бизнинг, балки жамиятимизнинг ҳам бахтидир.

**Нилуфар НИЁЗОВА,**  
«Нарқар»

**Қ**адимги юнон файласуфи Сукротдан сўрашибди:

– Сиз катталарга эмас, кўпроқ ёшларга эътибор қиласиз, бунинг сабаби нима?

Сукрот шундай жавоб берибди:

– Ёшлар дарахт ниҳолига ўхшайди.

Қандай эгсанг, шундай эғилади. Менинг насихатларимни ҳам тошга муҳр ўйгандек қалбларига жойлаштириб олади. Бунинг аҳамияти эса гоят каттадир. Шунинг учун мен кўпроқ ёшларга эътибор қаратаман.

Шу гапларни тез-тез эслаيمان. Чунки мен ҳам фарзанд тарбиялаяйман, улардан умидларим бисёр... Ҳатто «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» деган ҳикматлар китобининг «Бахт-саодатни изласангиз топа олмайсиз, зиммангиздаги инсоний вазифаларни адо этинг, бахтнинг ўзи келади» битиги бор саҳифасига хатчўп солиб қўйганман. Қидирганда топиш осон бўлиши ва ҳар гал шу қайдларни қайта ўқиш, ўқиш учун...

Одатда тарбия ҳақида гап кетса, кўпроқ қизларга тўхталишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ ўғил болалар-чи? Улар ўз-ўзидан катта бўлиб қоладими? Улар келажақда оила бўлиги, юрт химоячиси бўлиб етишиши учун кичкиналигидан тайёрлаб бориш керак эмасми? Гоҳо уларнинг эркалик ва шўхликларини ёшлиқка йўямиз. «Катта бўлса, ёзилиб қолади» дея ўзимизга таскин берамиз. Ҳатто ўсмирлик даврида камгап, баъзан серзарда, гап кўтармас бўлиб қолганини кўриб ҳам жим кузатамиз: «Бир-икки йилда босилиб қолади...». Наздимизда бу барча ўсмирларда учрайдиган, ўтиб кетадиган давр. Чиндан ҳам шундай. Бироқ бу вазиятдаги фарзандимизни ўз холига ташлаб

